Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 21 август, чоршанба • № 66 (10.841) • Эркин нархда сотилади

1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ НУРАФШОН ЙЎЛИ

Мактубларда дил сўзлари

УЛУҒ НЕЪМАТ

МУСТАҚИЛЛИК берган энг улуғ неъмат шундаки, биз унутилган тарихий, адабий, маънавий қадриятларимизни тиклашга, ёш авлодни шу қадриятлар билан таништиришга муяссар бўлдик. Бу — улуғ неъматдир. Биз тадқиқ этган «Марказий Осиё: педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар» китобида ва нашр этиладиган «Ўзбек педагогикаси тарихи» қўлланмасида улуғ алломалардан Исмоил Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Навоий ва бошқалар, шунингдек, исломда таълим-тарбия ҳақидаги фикрларни баён этиш шарафига муяссар бўлдик. Юқоридаги китоблар олий ўқув юртлари учун мўлжалланган бўлиб, республикада таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ишларни янада юқори даражага кўтаришга, ёшларни миллий анъана ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши табиий. Шу ишларни амалга оширишга имконият яратган истиқлол йиллари ғоят самарали бўляпти.

Асқар ЗУННУНОВ,
Педагогика фанлари доктори, профессор.

АМАЛИЙ ЖАВОБ

МУЛК ибораси бундан атиги беш йил илгари ҳам биз учун ёт тушунча эди. Эндиликда эса унга кўникиб қолдик. Зеро, ҳамманинг мулк эгаси бўлиши учун барча имкониятлар муҳайё қилинган. Бу мустақилликнинг бизга берган улкан инъомларидан бири бўлди.

Биз ҳам шу имкониятдан фойдаланиб, истеъмол бозорини тўлдиришга баҳоли-қудрат кўмаклашишга аҳд қилдик. Натижада «Истиқбол» хусусий фирмасини ташкил этдик. Унинг цехларида қатор кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилмоқда, аҳолига турли хил хизматлар кўрсатиляпти. Ҳозирги вақтда иш ўринлари сони элликтага етиб қолди.

Олмаликда бундай тадбиркорлик тузилмалари йил сайин кўпайиб бормоқда. Фақатгина шу йилнинг ўтган ойларида уларнинг сони яна етмиштадан ортиққа кўпайди. Бундай хусусий кичик корхона ва фирмаларда юзлаб кишилар меҳнат қилишяпти.

Биз мулк эгаси сифатида асло шахсан бойишни кўзлаётганимиз йўқ. Биз ўз фаолиятимизни она-Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига, халқимиз фаровонлиги ортишига қаратмоқдамиз. Шаклланиб келаётган мулкдорлар синфи вакилларининг ўзлари ҳақида қилинаётган катта ғамхўрликка амалий жавоблари шундай бўлиши керак.

Алишер ЭРГАШЕВ,
Олмаликдаги «Истиқбол» фирмаси раҳбари.

ДАВЛАТИМ — ОТАМ-ОНАМ

Қарияларни, етим-есирларни, ногиронларни ўз паноҳига олган давлат ҳамиша савоб оғушида бўлади, деганлари рост экан. Ҳар куни мактабимизда тарбияланаётган 120 нафар ўсмирларни кўрганимда ана шу ҳикмат ёдимга тушаверади. Косибчилик, дурадгорлик, тикувчилик касбларини ўрганаётган ёшлар хурсандлигидан ўзларини унутиб қўяёзишади.

Бизнинг 125-махсус интернат-мактабимиз мустақиллигимиз тенгдоши. У шахсан Президентимизнинг олижаноб саъй-ҳаракатлари туфайли 1991 йилда вужудга келган билим масканларидан биридир. Ўқув даргоҳимизга барча маблағлар давлат бюджетидан берилади. Талабаларнинг озиқ-овқатлари, кийим-кечаклари, ўқув анжомлари шу ҳисобдан харид қилинади. 33 нафар ўқитувчилар ҳамиша тарбияланувчилар атрофида парвона. «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Давлатим — отам-онам» сингари кўрик-танловларда бажонудил иштирок этаётган ўқувчилар ўз она-юртларига, шахсан юртбошимизга ҳар куни астойдил ташаккурлар айтмоқдалар. Мурғак, ногирон, шунга қарамай, она-Ватан ардоғида бўлган юраклардан отилиб чиқаётган дил розига биз ҳам шерикмиз.

Ўрол ДАВРОНОВ,
мактаб директори, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, Бўстонлик тумани.

БАЙРАМ ЯҚИН!

Вилоят ҳокимлигида

МАМЛАКАТИМИЗДА яхши кунлар, байрамлар кўп. Лекин, уларнинг ичида бирининг ўрни алоҳида. Бу — Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунидир. 1 сентябрни халқимизнинг ҳар бир вакили қандайдир ички ифтихор ва фахр билан тилга олади ва кутади. Зеро, бу кун мамлакатимизда амалга оширилаётган буюк ўзгаришларга, халқимиз эркинлиги, унинг янгича ишлаш ва яшашига пойдевор қўйилган айёмдир.

Шунинг учун бўлса керак, бу улуғ байрамни муносиб кутиб олиш учун ўзгача тайёргарлик кўрилади. Мустақиллик куни нишонланишига ўн кун қолди. Байрам яқинлашган сайин жойларда тайёргарлик ишлари янада қизиб кетди.

Тошкент вилоятида ҳам айёмни ҳар томонлама намунали ўтказиш учун жуда катта ва ранг-баранг тадбирлар белгиланмоқда ва амалга оширилмоқда. Айни вақтда, бу борада ҳали қатор ишларни амалга ошириш, жузъий камчиликларни бартараф этиш ва тайёргарликни янада кучайтириш талаб этилади.

Кеча вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вилоят ташкилий қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида ана шу масалалар чуқур муҳокама этилди.

Йиғилишни Тошкент вилояти ҳокими Эркин Рўзиев бошқарди.

Йиғилишда вилоят ҳокими муовинлари, ҳокимлик бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимлари, ташкилий қўмита аъзолари иштирок этдилар.

Мажлисда ташкилий қўмита аъзоси — республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг вилоят бўлими бошлиғи Раҳматилла Шералиевнинг вилоят ҳокими томонидан ва ташкилий қўмитанинг илгариги йиғилишларида туман ва шаҳар ҳокимликларига берилган топшириқлар ва кўрсатмаларининг қандай бажарилганлиги, умуман, байрамга тайёргарликнинг бориши юзасидан вилоят ташкилий қўмитаси аъзолари ўтказган текширишлар натижалари ҳақидаги ахбороти тингланди.

Ахборотда таъкидланганидек, шаҳар ва туманларда мустақиллик байрамини муносиб кутиб олишга тайёргарлик қизғин бормоқда. Жойларда тузилган ташкилий қўмиталар фаол ишлаяпти. Лекин, бу борада айрим камчиликларга, сусткашликка ҳам йўл қўйилмоқда. Айниқса, тозаликка, ободончиликка эътиборни кучайтириш керак. Эски номларни янгилаш, жойларни кўргазмали воситалар ва шиорлар билан безатишда ҳам нуқсонлар бор.

Вилоят ҳокими ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, зудлик билан камчиликлар тузатиш, ҳар бир шаҳар ва туманда, корхона ва ташкилотда, қишлоқ ва маҳаллаларда мустақиллик куни юқори савияда, пухта тайёргарлик билан ўтказилиши лозимлигини таъкидлади. Энг муҳими, бу байрам тантаналаридан вилоятимиздаги бирор киши бебаҳра қолмаслиги керак. Бош майдонлар, туман, шаҳар марказлари, хиёбонларда байрам руҳи ва шукуҳи кезиши керак. Хайрия тадбирларини ҳозирданоқ бошлаш мумкин.

Жойларда байрамни ўтказиш юзасидан тадбирлар белгиланган. Вилоят ҳокимлиги томонидан тегишли тавсиялар мутасаддиларга етказилган. Шундай экан, бу вазифалар ўз вақтида, масъулият билан бажарилиши керак. Байрам кунлари жамоат тартиби ва осойишталигини сақлаш ҳам ўта муҳимдир.

Йиғилишда мустақилликнинг беш йиллиги байрамини кутиб олишга тайёргарликни янада кучайтириш юзасидан туман ва шаҳар ҳокимликларига тегишли топшириқлар берилди. Қўшимча тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда, шунингдек, вилоятда, шаҳар ва туманларда нақд пул тушумини кўпайтириш, пул эмиссияси даражасини пасайтириш, жойларда паспорт алмаштиришни тезлаштириш масалалари ҳам муҳокама этилди ва тегишли тадбирлар белгиланди.

ТАҚВИМ САҲИФАЛАРИДА

• 1993 ЙИЛ 2—3 СЕНТЯБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий давлат ҳокимияти, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси, фуқароларни давлат пенсияси билан таъминлаш тўғрисидаги қатор қонунлари қабул қилинди.

• 1993 ЙИЛ 16 СЕНТЯБРЬ — Ўзбекистон Республикасининг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисидаги қонуни чоп этилди.

• 1993 ЙИЛ 26—28 СЕНТЯБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида катта нутқ сўзлади. Давлатимиз бошлиғи ўз сўзида мамлакатимиз тараққиётининг асосий тамойилларини батафсил баён қилиб берди. Нью-Йоркка сафар давомида юртбошимиз АҚШ президенти Б. Клинтон билан учрашди.

ТАҚВИМ САҲИФАЛАРИДА

• 1993 ЙИЛ 7 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг республика Конституцияси қабул қилинган кунининг бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги Фармони қабул қилинди.

• 1993 ЙИЛ 23—24 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ашгабат шаҳрида бўлиб ўтган МДҲ давлатлари бошлиқлари учрашувида иштирок этди.

• 1994 ЙИЛ 27—31 ЯНВАРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Давос шаҳрида ўтказиладиган Халқаро Иқтисодий анжуманнинг йиллик мажлисида қатнашиш учун Швейцарияга сафар қилди.

• 1994 ЙИЛ 14 АПРЕЛЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲ давлатларининг навбатдаги учрашувида иштирок этиш учун Москвага ташриф буюрди.

• 1994 ЙИЛ 18—20 АПРЕЛЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистонга расмий ташриф билан келган ХХР Бош вазири Ли Пэн билан музокаралар ўтказди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1996 ЙИЛГИ МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ҲОСИЛИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚАРИСИГА СОТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ЖОРИЙ 1996 ЙИЛДА ЕТИШТИРИЛГАН МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ҲОСИЛИ НОБУДГАРЧИЛИГИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК, УНИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА СОТИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Мева-сабзавот маҳсулотларини республика ташқарисига сотишнинг ташкилий-ҳуқуқий ва оператив масалаларини кўриб чиқиш бўйича республика комиссияси тузилсин.

Комиссия мева-сабзавот маҳсулотлари сотишнинг боришини мунтазам таҳлил этиб борсин ва пайдо бўладиган муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўрсин.

2. «Ўзмевасабзавотузумсаноат», «Ўзтайёрловсавдо» уюшмалари, «Ўзбекбирлашув» ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг юклаб жўнатиладиган маҳсулотлар ҳажми бўйича таклифларига розилик берилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» (Носиров) ва «Ўзтайёрловсавдо» (Курбонов) уюшмалари, «Ўзбекбирлашув» (Бурхонов) ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг (Жуманиёзов) ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини Россия Федерацияси истеъмолчиларига етказиб бериш юзасидан шартнома-контрактларнинг бартер бўйича моддий-техника ресурсларини, биринчи навбатда ёғоч-тахта материаллар, металл прокати, қувурлар, автотранспорт воситалари ва қишлоқ хўжалиги техникасини ўзаро етказиб бериш шартлари билан тузилишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар, идоралар, уюшмалар ва корхоналар раҳбарлари ҳўл мева-сабзавот ва консерва маҳсулотларини Россия Федерацияси истеъмолчиларига вилоятлар маъмуриятларининг етказиб берилаётган маҳсулот учун 1996 йил охиригача пул билан ёки моддий-техника ресурслари билан ҳақ тўлаш тўғрисида кафолат хатлари мавжуд бўлган тақдирда жўнатсинлар.

5. Маҳсулот сотилгандан кейин валюта тушумининг бир қисмини, истисно тариқасида, Марказий банкка, бироқ 1996 йил 31 декабрдан кечикмай, мажбуран сотишга рухсат берилсин.

6. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Андижон, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ҳокимлари, тегишли вазирликлар, идоралар, уюшмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан битимлар тузиш учун Россия Федерацияси минтақаларига шахсан ўзлари борсинлар.

7. «Ўздавстандарт» (Асриянц), ўсимликлар карантини бўйича давлат назорати (Тўлаганов), Давлат солиқ қўмитаси (Гатаулин), ваколатли банклар, «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси (Эрметов) ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини жўнатувчи жойлашган жойда юклаб жўнатиш ҳужжатлари икки суткадан кўп бўлмаган муддатда белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласинлар, ушбу ишда сансалорликка ва суньий тўсиқлар вужудга келтирилишига йўл қўймасинлар.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

ҳўл мева-сабзавот ва консерва маҳсулотларини тузилган контрактлар бўйича юклаб жўнатиш масалаларини тезкорлик билан ҳал этсинлар;

жойларда зарур ҳужжатларни тезликда расмийлаштириш ва мева-сабзавот маҳсулотларини юклаб жўнатиш бўйича таянч пунктлари ташкил этсинлар.

9. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси раиси Н. Эрметовнинг:

ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини темир йўлда ташиш тарифлари Қозоғистон Республикаси ҳудуди бўйича 1996 йил 31 декабргача, Россия Федерацияси ҳудуди бўйича (Москвагача) 1996 йил 1 ноябргача 50 фоизга пасайтирилганлиги;

Россия Федерациясининг бошқа йўналишлари бўйича темир йўлда ташиш тарифларининг пасайтирилиши тўғрисидаги масала «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси томонидан мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб беришга контрактлар мавжуд бўлган тақдирда ҳар бир аниқ ҳолатда Россия темир йўллар вазирлиги билан биргаликда ҳал этилиши тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

10. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси (Эрметов):

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳўл мева-сабзавот ва консерва маҳсулотларини ташиш тарифларини 50 фоизга пасайтирсин;

юкни жўнатувчининг ташишнинг тўлиқ қийматини белгиланган муддатларда тўлаш тўғрисидаги кафолати билан олдиндан ҳақ тўланмасдан юкка ҳаракатдаги составнинг ўз вақтида ажратилиши ва берилишини таъминласин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 6 августдаги 323-Ф-сон фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Гиниятуллин зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 16 август.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ:

воқеалар, хабарлар, янгиликлар

БУ БИЗНИНГ ТАРИХ

ШУ КУНЛАРДА республикамизнинг барча жойларида бўлгани каби Паркент туман маданият масканларида ҳам Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Тумандаги Чанги қишлоқ маданият уйи бадиий ҳаваскорлари тақдим этган «Бу бизнинг тарих» деб номланган театрлаштирилган анжуманда ҳам соҳибқирон ҳаёти, унинг халқ фаровонлиги йўлида олиб борган улкан ишлари бой саҳналарда акс эттирилган. Матн муаллифи Акмалжон Турсунов, режиссёр Кулмат Недировлар томошабинлар олдида катта салоҳиятли Амир Темур образини маҳорат билан гавдалантириб бера олганлар.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

ҲАММАСИ — БОЛАЛАРГА

ЎЗБЕКИСТОН Автомобиль транспорти давлат акционерлик корпорациясининг тиббиёт муассасаси Зангиота туманидаги аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиб келаётган замонавий касалхоналардан бири. Шу кунгача бу ерда асосан катта ёшдаги аҳоли муолажа қилинар эди. Куни кеча касалхонада янги бўлим очилди. 30 ўринли бўлимда эндиликда оналар ва болалар саломатлиги тикланади.

— Бу туманимиздаги Хонобод, Ўзгариш қишлоқлари ва «Мустақиллик» жамоа хўжалиги ҳудудидаги аҳоли учун жуда катта кулайлик туғдиради, — деди туман марказий касалхонасининг бош врачи Равшан Низомов. — Эндиликда бу ҳудуддаги оналар ва болалар шу бўлимда даволанадилар. Яқин кунларда туманимиздаги Зангиота қишлоғида ҳам ана шундай болалар касалхонаси ва реанимация бўлими ишга туширилади.


Фаттоҳ ФАЗЛИДДИНОВ.

КОНЧИЛАР УЧУН УЙЛАР

АНГРЕНДАГИ 9-шахта жамоаси республикамиз мустақиллигининг қутлуғ тўйини муносиб нишонлаш мақсадида йил бошидан бошлаб фидокорона меҳнат қилмоқда. Режалар ортиғи билан бажарилаётганлиги учун даромад ҳам ортиб бормоқда. Шу туфайли бу йил шахтёрлар учун янги уй-жойлар қурилишига бир неча миллион сўм сармоя ажратиш имкони туғилди.

Шу маблағ ҳисобига шаҳар даҳаларининг бирида кўп қаватли иккита уй-жой қурилмоқда. Уларни бунёд этиш ишлари кун сайин охирига яқинлашмоқда. Улар фойдаланишга топширилгач, бир йўла элликка яқин кончилар оилалари уй тўйлари ўтказиш имконига эга бўладилар.

Собир МАҲМУДОВ.



ИТАЛИЯ ФИРМАСИ ЁРДАМИДА

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида кейинги пайтларда катта ўзгаришлар юз берди. Бу ерда қазиб олинадиган ва қайта ишланадиган мисдан эмалли сим ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бундай симлар электр двигателларини тайёрлаш ва таъмирлаш учун зарурдир.

Италиянинг «Италия-Импианти» деб аталган фирмасидан сотиб олинган юқори самарали ускуна туфайли янги ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлди. Икки хил технология линияси йилига 1,5 минг тонна эмалли сим ишлаб чиқара олади. Автоматларда ўзимизнинг малакали ишчилар меҳнат қилишмоқда. Улар Италия мутахассисларидан энг янги технологияни бошқариш сирларини ўрганиб олишди.

Яқин-яқингача бу тақчил маҳсулотни республика Россия корхоналаридан сотиб олар эди. Энди эса Олмалиқлик металлурглар Ўзбекистон электроника саноати эҳтиёжини таъминлабгина қолмай, жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотни четга ҳам жўнатиш тараддудидалар. Ҳозирдаёқ Олмалиқ кон-металлургия комбинати тайёрлаётган бу маҳсулотга Қозоғистон ва Хитойдан дастлабки буюртмалар келди.

Соат МУСАЕВ.

СУРАТДА эмалли сим тайёрлайдиган технология линиясини кўриб турибсиз. Равшан НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

«Тошкент ҳақиқати»нинг байрамолди йўқламаси

Бекобод шаҳри

1991 1 сентябрь 1996

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

БЕКОБОД шаҳри 1945 йил 7 май куни ташкил топган. Шаҳар Республиканинг жануби-шарқига жойлашган. Жанубда ва жануби-шарқда Тожикистон Республикаси Хўжанд вилоятининг Ион, Гончи туманлари билан чегарадош. Шарқдан Мўғултоғ, жанубдан Туркистон тизма тоғлари шаҳарни ўраб туради. Шаҳар ҳудуди 2937 гектарни ташкил қилади, аҳолиси 85 минг киши. Республика аҳамиятига молик Ўзбекистон металлургия заводи, Бекобод цемент комбинати, темир-бетон буюмлари ва қурилиш материаллари комбинати, ғишт, номаълум материаллар, ун, сут, гўшт, пахта тозалаш заводлари ишлаб турибди. Шаҳар ҳудудидан Ўзбекистон Республикасининг барча вилоят ва шаҳарларини Фарғона водийси шаҳар ва туманлари билан, шунингдек, Тожикистон, Қирғизистон Республикалари шаҳарлари билан туташтирувчи темир йўл магистрали ҳамда автомобиль йўли ўтади.

ОЗОДЛИК ва эрк мудом инсон орзусию қисмати бўлиб келган. Қуллик, қарамлик занжирлари кишанбанд этганда, озодлик — орзуга, юртнинг мард ўғлонларию қизлари, яланг қиличу кескир сўз билан майдонга чиққанларида — у қисматга айланган. Озодликка талпинган инсонни тилидан жудо қилганда ҳам, у эрк дея сўйлайверган. Инсонни ватанидан жудо айлаганларида ҳам, уни юрт сарҳадларидан қувғин қилганларида ҳам, бир сиқим юрт тупроғи унга жисму-жаҳон бўлиб қолаверган.

«Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» деганда юртбошимиз «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» дея, комил ишонч билдирди. Халқ бу буюк гоя, қутлуғ ният орқасидан эргашди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг вақтинча қийинчиликлари деҳқону ишчининг гарданига бироз оғирроқ юк бўлиб тушган бўлсада, ҳукуматнинг кучли ижтимоий сиёсати туфайли ҳеч кимнинг қадди дол бўлиб қолмади.

Юртда адолат қарор топмоқда. Инсоннинг қадр-қиймати ҳар нарсадан баланд қўйилмоқда. Ишбилармонларга, тадбиркорларга, кичик ва ўрта бизнесга йўллар очилди. Мулклар давлат тасарруфидан чиқарилмоқда.

Жаҳон микёсида ўз йўли ва ўз сўзига эга бўлаётган Ўзбекистон мустақиллигини нишонлашга катта тайёргарлик кўриляпти. Шаҳар ҳокимлиги миллий байрамни ҳар томонлама муносиб кутиб олиш мақсадида қарор қабул қилди ва бу асосда тадбирлар ишлаб чиқди.

Миллий байрам ҳар бир киши, ҳар бир хонадон, ҳар бир ташкилот хизматчиси хотирасида бир умр сақланиб қоладиган даражада ўтказилади. Бунинг учун барча корхоналар раҳбарлари, маҳалла қўмиталари раислари шахсан масъул этилган.

КАРВОН ОЛҒА БОРМОҚДА

Байрам арафасида шаҳримизда истикомат қилувчи кўп болали, кам таъминланган оилаларни, боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтож бўлган кекса қарияларимизни, ногиронларни яна бир карра аниқлаб, уларга моддий ёрдам кўрсатилади.

Албатта, ҳар қандай байрам озодликни ёқтиради. Шу муносабат билан 1 июлдан 25 августгача шаҳримизда «Тозалик ва ободонлаштириш» икки ойлиги эълон қилинди. Демак, даҳаларимиз, маҳаллаларимиз янада обод ва кўркам бўлади.

Бекободни биз ҳақли равишда металлурглар, қурувчилар, бунёдкорлар шаҳри деб атаймиз. Мустақилликнинг муборак айёми барча корхона, ташкилот ва ўқув юртларида оммавий равишда нишонланади.

«Ўзметкомбинат» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида байрамга тайёргарлик ишлари қизғин. Тадбирлар тузилиб, байрамни ўтказиш билан боғлиқ ишларга масъул шахслар тайинланди. Ўзининг 70 йиллигини шу қутлуғ тантана арафасида нишонлайдиган «Бекободцемент» ҳиссадорлик жамиятида ҳам тайёргарлик ишлари авжида. Қолган йирик саноат, транспорт ва қурилиш ташкилотларида ҳам бу борада қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Мустақиллик байрами кунларида шаҳримиздаги спорт ўйингоҳларида кўплаб мусобақалар, кўрик-танловлар бўлиб ўтади. Маданият ходимлари эса ўзларининг байрам дастурлари билан кўпчиликка хизмат қилишга шайланмоқдалар. «Бекободсавдо» ва «Бекободтаом» ҳиссадорлик жамиятлари ҳам шаҳримиз фуқаролари ҳамда меҳмонларига намунали савдо ярмаркалари ташкил қилиш учун ҳозирланмоқдалар. Дам олиш, истироҳат боғлари байрамгача ўзгача тароват касб этади.

Шаҳримизда кейинги даврларда катта ўзгаришлар бўй кўрсатмоқда. Жумладан, «Ғалаба» кўчасидаги саккизта умумий овқатланиш, тижорат, маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари фойдаланишга топширилди. Шунингдек, марказий автошоҳбекат, темир йўл станциясида катта ҳар томонлама мустаҳкамлаш мақсадида ёшлар ўртасида кўплаб маданий-оммавий тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.

Яна шуни алоҳида таъкидлашни истар эдимки, шаҳримиздаги саноат корхоналари ўтган давр ичида, ўзларининг аввалги ишлаб чиқариш даражасига етмоқда. Биргина мисол. Ўтган йилнинг биринчи олти ойлигига нисбатан, бу йилнинг шу даврига келиб, ишлаб чиқариш 158 фоизни ташкил этди. Корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб, ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди.

«Ўзметкомбинат» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Бекободноруд», «Металлист», «Бекободцемтаъмир», «Бекободгўшт», «Умида», «Ўзметаллургқурилиш» сингари ҳиссадорлик жамиятларида, ғишт заводида ишлаб чиқариш ҳажми бир неча марта ошди. «Бекободцемент» ҳиссадорлик жамиятида ҳам ишлаб чиқариш барқарорлашиш йўлига ўтди. Йил охирига бориб маҳсулот етказиб бериш ўтган йилдагига нисбатан икки баробар кўпайиши кутилмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш осонлик билан кечмайди. Марказлашган ҳолдаги таъминотлар бузилиши, ҳар бир корхонанинг ўз муаммосини ўзи ҳал қилиши ишлаб чиқаришни бозор талаблари асосида қайта қуриш учун ҳаракат қилишга даъват этди.

Ишлаб чиқариш корхоналари қанчалик бақувват бўлса, мавжуд муаммолар аста-секин барҳам топади, шаҳримиз янада обод ва кўркам бўлаверади. Энг асосийси, одамларнинг турмуш фаровонлиги яхшиланади.

Келажакка умид боғлаш инсоннинг азалий одатидир. Бугун шаҳримиз фуқаролари эртанги кунга ёруғ ишонч билан боқмоқдалар. Халқимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли осойишталик, аҳиллик ва бунёдкорлик равнақ топаётгани ҳаёт ҳақиқатидир. Мустақиллик карвони шитоб билан олға бормоқда. Келажак янада нурли бўлғусидир. Шу йўлда ҳар биримиз Ватан меҳрини дилга жо этиб, мустақиллигимизни тобора мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни янада кўпроқ қўшаверамиз.

Жалолиддин НАСРИДДИНОВ,
Бекобод шаҳар ҳокими.

ИШИМИЗДАН МАМНУНМИЗ

МАРКАЗИЙ Осиёдаги энг йирик ишлаб чиқариш корхонаси — «Ўзметкомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчилари шу кунларда ўзларининг касб байрамларини нишонламоқдалар. Бу йилги касб байрами ўзининг нуфузи билан олдингиларидан фарқ қилади. Чунки, тантаналар мустақил Ўзбекистонимиз истиқлолининг 5 йиллигини муносиб кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўрилаётган пайтга тўғри келди.


Ўн мингдан ортиқ ишчи-хизматчилар бир тан-бир жон бўлиб ишлаётган комбинатда барча соҳалар бўйича ишлаб чиариш ҳажмлари ортиб бормоқда. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам билсак бўлади. Жорий йилнинг олти ойи давомидаги ўсиш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 180,8 фоизни ташкил этди. Агар 1995 йилнинг олти ойи мобайнида 129 минг тонна пўлат эритилган бўлса, ушбу кўрсаткич бу йил 250 минг тоннага етди.

Тайёр прокат маҳсулотлари етказиб беришда катта ютуқлар қўлга киритиляпти. Ўтган йилнинг ярим йиллигида 116 минг тонна прокат маҳсулотлари истеъмолчиларга жўнатилган бўлса, бу йил 226 минг тонна жўнатилди. Комбинат бўйича умумий ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан икки баробар ошди. Бунга, албатта, барча муҳандис-техник ходимлар, ишчи-хизматчиларнинг самарали меҳнати туфайли эришилди.

Бир қанча вақтдан буён тўхтаб қолган ХИМИЧ қайтадан ишлай бошлади. Эндиликда кенг турдаги сирланган идишлар яна истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Шу йилнинг олти ойи мобайнида қувур пайвандлаш цехида 850 тонна қувур тайёрланди. Ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда, электрда пўлат эритиш цехида кенг кўламли таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда, бу ишлар келгуси йилнинг бошларида тугатилиши режалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, заҳматкаш ходимларимиз бундан буён ҳам республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаверадилар.

Александр ФАРМОНОВ,
«Ўзбекметкомбинат» ҲИБ Бош директори, Олий Мажлис депутати.



МУАММОЛАР ЕЧИЛМОҚДА

ВИЛОЯТИМИЗДА ягона ҳисобланган ташқи-иқтисодий алоқалар бўлими ўтган йилнинг декабрь ойида ташкил этилган эди. Ҳозирги замоннинг иқтисодий талаблари, ҳал қилиниши керак бўлган кўплаб муаммолар, шунингдек, шаҳримиздаги саноат корхоналарининг қийинчиликлари, ўзаро ҳисоб-китобдаги, катта миқдордаги дебитор қарзлари — бу бўлимнинг ташкил этилишига туртки бўлди.

Бўлимнинг бош мақсадларидан бири — ўзаро дебиторлар билан ишлаш эди. Шу асосда саноат корхоналаримизнинг кўпгина ҳамкорлари нафақат республика миқёсида, балки, Россия, Қозоғистон, Тожикистон сингари давлатларда бўлганлиги учун, етказиб берилган тайёр маҳсулотлар ҳамда қарзлар эвазига хомашё материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келинди ва олиб келинмоқда.

Ўтган ойлар мобайнида бўлимимиз томонидан тиббиёт муассасаларини таъмирлаш учун ўн тонна металл қувурлар, «ГРЭС қурилиш» учун ёғоч материаллари, автомобиллар учун шиналар келтирилиб, уларнинг бир қисми «Бекобод АТС» ҲЖига берилди.

Келажакда кўрсатаётган хизматларимиз доираси анча кенгаяди. Бунда тижорат соҳаси ва кичик ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиш, меваларни қуритиш кичик заводини очиш режалаштирилган. Булардан ташқари қишлоқ хўжалик туманлари учун зарур асбоб-ускуналарни келтириб бериш бўйича шартномалар тузилди. Қозоғистон билан ўзаро ҳамкорликда пишлоқ ва сариёғ ишлаб чиқарадиган кичик корхона қуриш бўйича лойиҳани амалга оширишга ҳаракат қиляпмиз.

Анчадан буён ташкил қилиниши керак бўлган балиқчилик хўжалиги борасида дастлабки қадамлар ташланди. Шаҳар ва туман аҳолисига янги ҳамда дудланган балиқларни етказиб беришга имкон яратилди. Иш жараёнини ривожлантириш учун шаҳар ҳокимлиги 205 гектар балиқчилик хўжалиги учун жой ажратиб берди ва уч йил муддатга солиқ тўлашдан озод этди. Солиқ миқдори бир миллион сўмни ташкил этишини эътиборга олсак, катта имтиёзларга эга бўлганимиз кўринади.

Бўлимимизнинг келажаги порлоқ. Чунки, банкда валюта ҳисоб рақамининг очилиши ва натижада валютани конвертация қилиш ҳуқуқини олиш, товарларни ишлаб чиқиш ҳамда олиб киришга рухсатнома берилиши маркетинг, менеджмент хизматлари кўрсатилиши уни кучли марказга айлантиради. Бунинг натижаси ўлароқ, бўлим орқали қўшма корхоналар ташкил этиш, чет эл инвестицияларини ишлаб чиқаришимизга жалб қилиш каби кўплаб муаммолар ҳал бўлади. Негаки, бунга асос бор. Зеро, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қрим вилояти билан ўзаро манфаатли, ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳалар охирига етмоқда. Хуллас, ташқи-иқтисодий алоқалар бўлими тадбиркор ва ишбилармонларимизга жаҳон эшикларини очади ҳамда ички муаммоларни ҳал этишда кўмак беради.

Баҳодир АБДУЛЛАЕВ,
Бекобод шаҳар хўжалик ҳисобидаги ташқи иқтисодий алоқалар бўлимининг бошлиғи.

Суратларда: Бекобод шаҳрига кираверишдаёқ шундай гўзал манзарага кўзингиз тушади; шаҳардаги Ўзбекистон металлургия комбинатида кўп йиллар ишлаб обрў-эътибор қозонган меҳнат фахрийлари анчагина. Ана шундай пешкадамлардан Ҳамид Андаев (чапда) ва Виктор Ивановлар ўзаро суҳбат чоғида; комбинатнинг сирли идишлар ишлаб чиқариш бўлинмаси ишчилари ҳамиша ўз маҳсулотларининг сифатли бўлишига интиладилар.

Р. ШАМСУТДИНОВ ва Даврон АҲМАД олган суратлар.





Ислоҳот ва раҳбар

Айнан раҳбарнинг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги туфайли чўкиб қолган корхона тикланди. 1996 йилнинг етти ойи якуни бўйича Янгибозор тикувчилик-момиқ фабрикаси турдош корхоналари ичида энг яхши натижаларга эришди. Олинган соф фойда 5 миллион 882 минг сўмни ташкил этди. Ўртача ойлик 4 минг сўмга етди.

ТИКЛАНИШ

Нигматилла отаси фронтдан яradор бўлиб қайтганда эндигина 2 ёшга тўлган эди. Афсус, уруш ўз асоратини кўрсатди. Падари бузруквори жажжи ўғлининг меҳрига қонмай, ҳаётдан кўз юмди. Фарзандларни катта қилиш, уларга тарбия бериш, ўқитиш ва оёққа қўйиш Нурихон ая зиммасида қолди.

Тенгдошлари орасида зийраклиги билан ҳамиша ажралиб турадиган Нигматилла ўсмирлик чоғидаёқ ана шуни англаб етди. Ўрта мактабда яхши ўқирди. Айни пайтда онаси ёнига кириб, дала юмушларига қарашди, мактабни битиргач эса, Тошкент Тўқимачилик институтининг кечки факультетига ўқишга кирди. У ишлаб, билим оларди.

— Ўғлим, — деди ўшанда ая, — бизнинг деҳқон оиламиздан ҳам ўқимишли одам чиқсин. Яхши билим ол, одамларга меҳрли бўл, ҳалоллик инсонга ҳурмат-эътибор келтиришини унутма. Камтарлик, хушмуомалалик инсон учун йўл очади.

Нигматилла она насиҳатларини дилига тугиб, институтни муваффақиятли битирди. Икки йил давомида Тошкентдаги тўқимачилик комбинатида ишлади. Олган назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлади. Кейин ўша пайтдаги Республика маҳаллий саноат Вазирлиги илмий текшириш институтининг пахта, гилам, ипак, шойи бўлимида бош мутахассис сифатида фаолият кўрсата бошлади. Ўзининг соҳасини чуқур билган ҳамда ўз малакасини мунтазам ошириб бораётган кадр сифатида танилди. Сўнгра билимдон мутахассисни Олмалиқдаги республика енгил саноат вазирлигига қарашли фабрикага директор этиб тайинлашди. Тўрт йил шу лавозимда ишлади. Кейин Олмалиқ шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди. Қаерда бўлмасин, тадбиркорлиги, ишчиларга меҳрибонлиги билан обрў-эътибор қозониб борди.

Ишбилармон, тадбиркор раҳбарни қаерга қўйманг, ишга тажриба орттирган Н. Ғиёсов, аввало, ишчилар учун қулайлик яратиш йўлида изланди. Бошқарув ходимларини тўплаб бу борада уларнинг фикрини тинглади. Кейин чанг сўрғичлар ўрнатиш, цехларда тозаликни таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга улар билан биргаликда киришди. Шу тарзда корхона аста-секин оёққа тура бошлади. Унда ишлаётган 186 нафар ишчи меҳнат қилаётган даргоҳ раҳбарларининг ғамхўрлиги, меҳр-мурувватини сеза бошлади.

Кейинги икки йил ичида фабрикада техникавий ўзгаришларга жиддий эътибор берилди. Хусусан, илгари иситиш тармоғи кўмирда бўлиб 140 тонна атрофида маҳсулот ёқиларди. Энди газга ўтилди. Корхонада сув муаммоси ҳам ҳал этилди. 25 тонналик сув минораси фойдаланишга топширилгач, бу борадаги машаққатдан холи бўлинди.

Сув келгач, фабрика ҳудудида мевазор барпо этилди. Корхона атрофлари ободонлаштирилди. Ўзбекистондаги барча пахта заводлари билан боғланган бу корхона қисқа вақтдаёқ рўзғорбоп пахта, тўшак, кўлкоп, умуман ўрин-кўрпа, кўрпачага ишлатиладиган маҳсулотни сифатли тайёрлаш борасида танилиб, йилма-йил ривож топиб борди.

Хомашёдан тежамкорлик билан фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, қулай шарт-шароитлар яратиш борасида бош иқтисодчи Баҳодир Мирвалиев, бош муҳандис Ўктам Абдуқодиров, бош мутахассис Валентина Саҳаровскаялар ташаббускорлик кўрсатдилар. Айниқса, фабрика директори Нигматилла Ғиёсов кадрлар билан баҳамжиҳатликда иқтисодий ислоҳотларни корхона ҳаётига изчил жорий этишда бош-қош бўлди. 1996 йил етти ойида халқ истеъмол моллари бўйича режа 39 миллион сўм бўлгани ҳолда, корхонада 44 миллион 926 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб жамоа республикада энг олдинги ўринни эгаллади. Шу муддат ичида фойда 5 миллион 882 минг сўмни ташкил этди. Ўртача ойлик иш ҳаки 4 минг сўмга етди. 34 миллион 127 минг ўрнига 38 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Корхона ислоҳотлар йўлида «жамоа мулки» шаклини танлади. Ишга ҳамма баравар жон куйдирадиган бўлди.

Шуниси қувончлики, ҳар соҳада пухта оёққа туриб олган корхона янги иш жойларини кўпайтириш борасида ҳам олдинга қараб дадил қадам ташламоқда. Бу ўринда фабриканинг касаначилик йўналишдаги иши ибратлидир. Уйда ўтирган аёлларни меҳнатга жалб қилиш, яъни кўрпа, кўрпача, тўшакларни қавитиш орқали уларни меҳнатга тортиш ҳам корхонага, ҳам оилаларга қўшимча даромад келтирмоқда. Эрмат Абдуллаев бош бўлган тикувчилик цехида эса ишчилар қўлқопи, сочиқ, ойнапарда, ўрин-кўрпа ашёларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу цехда ойига ўртача 200 минг сўмдан соф фойда олинаётир.

Янгиликларни жорий этиш туфайли Абдулахат Сотиболдиев бошчилик қилаётган пахтачилик цехи ойига 5-6 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб беришга эришмоқда. Ана шу жамоа ойига 750 минг сўмдан 1 миллион 200 минг сўмгача соф фойда олмоқда.

— Фабрикамиз фақат кўрсаткичлар орқасидан қувиб кетаётгани йўқ, — дейди директор, — бозор иқтисодиёти шароитида ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Мен бир нарсани мамнуният билан айтмоқчиманки, корхонамизда хизмат қилаётган барча ишчилар учун овқат бепул ташкил этилди.

Йилнинг ҳар чорагида мукофотлар бериб борамиз. Ишчи коржомалари билан таъминлаш, 13—14 маошлар билан тақдирлаш қатъий йўлга қўйилган. Буларнинг ҳаммаси корхона соф даромади йил сайин ўсаётганлиги туфайлидир.

Ишчилар бизга мустақиллик байрами арафасида маъмурият кўрсатган яна бир ғамхўрлик ҳақида сўзлаб беришди. Шахсан корхона бош раҳбари ҳамда бош иқтисодчисининг ташаббуси билан бу айёмда қайси ишчининг ёки ходимнинг фарзанди биринчи синфга бориши аниқланиб, рўйхат тузилди. Ана шу рўйхат асосида ишчиларнинг болаларига папка, қалам, ручка, дафтар, умуман мактаб учун зарур бўлган жиҳозлар, буюмлар тарқатилди. Ана шу байрам олдидан бир қатор меҳнат фахрийларига тўшак, ўрин-кўрпа ашёлари, сочиқлар тарқатилди.

Фабрика раҳбари бизга ўз касбларига меҳр қўйган Аскар Ақилбеков, Маъмур Тулпоров, Вера Буланова, Хосият Сидиқова, Анора Алимуҳамедова, Холдор Ўтабоев каби ишчиларнинг самарали хизмати ҳақида ифтихор билан гапириб берди.

Биз фабрика директори Нигматилла Ғиёсов билан ана шу ютуқлар ҳақида суҳбатлашар эканмиз, у келгуси режаларга тўхталиб бундан буён корхона иқтисодий ислоҳотларни янада равон йўлга қўйиш ниятида эканлигини алоҳида таъкидлади.

Момиқ-тикувчилик фабрикаси меҳнаткашлари давримизнинг бугунги талабларини чуқур тушунган ҳолда, куч-ғайратлари, имкониятларини меҳнат унумдорлигини, самарадорликни оширишга мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қаратмоқдалар.

Саидвали ҲАСАНОВ.

ЙЎЛИНГ РАВОН БЎЛСА...

Йўллар, йўллар... Вилоятимиз бўйлаб ҳар томонга қараб кетган йўллар бамисоли тирик жонга ҳаёт бахш этувчи қон томирларини эслатади. Улар шаҳарлару туманларни, қишлоқлару аҳоли истиқомат қилувчи мўъжаз манзилгоҳларни ҳам бир-бирига туташтиради.

Йўлларнинг доим равон ҳолатда бўлишини таъминлаш билан шуғулланишга даъват этилган мутасадди ташкилотлар вилоятимизнинг ҳар бир шаҳри ва туманида бор. Бўка тумани автомобиль йўллари бошқармаси ҳам уларнинг бири. Унинг бор йўғи етмиш бир кишидан иборат байналмилал жамоаси ўнларча йиллардан бери янги йўллар қуради, эскиларини таъмирлайди. Улар ихтиёрига деярли 250 километр узунликдаги турли-туман катта-кичик, кенгтор йўллар бериб қўйилган. Республика, вилоят ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган бу йўлларнинг доим соз бўлишини таъминлаш шу жамоа зиммасида. Албатта, бу осон иш эмас. Лекин замонавий йўл қуриш ва таъмирлаш асбоб-ускуналари, машина-механизмлари билан қуролланган ишчи-хизматчилар олдиларига қўйилган барча вазифаларни шараф билан уддалашга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Бошқармада учта бўлим ташкил этилган. Ҳар бир бўлимга йўлларнинг муайян қисми биркитиб қўйилган. Уларни тўла, ўрта, жорий таъмирлаш, йил давомида яхши ҳолатда бўлишини, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўллар атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш уларнинг асосий вазифасидир.

Меҳнатнинг самарадорлигини ошириш мақсадида бўлимлар жамоалари касбдошлар ўртасида ўзаро беллашув йўлга қўйилган. Унда энг яхши кўрсаткичларга эришаётганлар моддий ва маънавий рағбатлантириб турилади. Айни вақтда мавжуд машина-механизмларнинг доим шай ҳолда туришига эришиш учун барча чоралар кўриляпти. Айниқса, эҳтиёт қисмлар билан етарли таъминлашга кўпроқ эътибор берилмоқда. Шу туфайли аксарият ёрдамчи асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисм етишмаслиги оқибатида узоқ вақт тўхтаб қолишига йўл қўйилмаяпти.

Бошқарма жамоаси аъзолари аҳил ва иноқликлари билан ҳам ном чиқарган. Иқтисодий қийинчиликлар ишчи-хизматчиларнинг меҳнатга муносабатига путур етказмади. Унинг тажрибали, меҳнатга виждонан муносабатда бўладиган, элим-юртим деб куйиб пишадиган аъзолари иш жойларини ўзгартирмадилар. Шу туфайли ҳам режаларни бажариш

Тадбиркорлик самараси

кўрсаткичларида кескин пасайиш бўлмади, барқарорлик давом этди, эндиликда эса ижобий силжишлар юз бера бошлади.

Жорий йилнинг ўтган етти ойидаги меҳнат натижаси анча дуруст бўлди. Белгиланган режа ортиғи билан адо этилди. Ҳаммаси бўлиб бажарилган иш ҳажми 4 миллион 300 минг сўмликни ташкил этди. Топшириқнинг бир фоиз зиёдаси билан адо этилиши таъминланди. Шу даврда катта ҳажмдаги йўлларни турли даражада таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Жорий таъмирлаш бўйича ўзлаштирилган капитал сармоя миқдори 1 миллион 378 минг сўмни ташкил этди. 5,6 километр узунликдаги йўлларда ўрта таъмирлаш ишлари бажарилди. Йўллар ҳолатини яхши сақлаш учун қилинган ҳаражат 1 миллион 300 минг сўмликдан ҳам ошиб кетди. Йўлларда транспорт ҳаракатининг ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўплаб янги йўл белгилари қўйилди, эскилари алмаштирилди, йўл ёқалари мустаҳкамланди, янги бекатлар, автобуслар тўхтаб туриши учун бир қанча махсус майдончалар қурилди. Умуман ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирлар учун деярли беш юз эллик минг сўм сарфланди.

Ҳозирги кунларда барча жамоалардаги каби бошқармада ҳам республикамиз мустақиллигининг беш йиллигини муносиб нишонлаш учун кўтаринки меҳнат ҳукм сурмоқда. Ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимларнинг руҳлари тетик, истиқбол сари залворли одим ташлаётган мамлакатимиз билан гурурланиш ҳисси юзкўзларида барқ уриб турипти.

Йўлсозлар жамоаси орасидаги мусобақада 367-йўл бўлими ишчилари пешқадамлик қилишяпти. Улар шу йилнинг етти ойлик режасини бажаришда бошқа бўлимларга нисбатан анча юқори натижага эришдилар. Касбдошлар ўртасидаги беллашувда автогрейдерчи Ғиёс Калимулин, автоюкловчи ҳайдовчиси Сайфиддин Сайдуллаев, К—700 русумли кудратли тракторни бошқараётган Абдусалом Қодиров, автогудрончи Абдувоҳид Омонқулов, шофёр Искандар Ҳамроқуловлар пешқадамлик қилишяпти. Йўл ишчилари Ҳамнаби Абдуғаффоров, Дониёр Бозорбоев, Саидраҳим Тоиров, Суннат Умиров, Ҳасан Эрматов ва бошқалар ҳалол меҳнатлари билан кўпчиликнинг ҳурматини қозонмоқдалар.

— Халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган мустақиллик шабадасининг кўксимизга текканига беш йил бўлиб қолди, — дейди бошқарма бошлиғи А. Зарипов. — Саноқли кунлардан кейин бу санани зўр завқ-шавқ, катта хурсандчилик билан нишонлаймиз. Унга муносиб меҳнат совғалари билан келиш ҳам фарз, ҳам қарз деб ҳисоблайман. Жамоамиз шундай ният билан меҳнат қилмоқда. Биз мамлакатимизнинг тарихига зарҳал харфлар билан битилувчи шу қутлуғ кунни саккиз ойлик режани ошириб бажариш билан нишонлаймиз.

Собир МАҲМУДОВ.

Пиру - бадавлатларимиз

ҚУША-ҚАРИШ БАХТИ

ХАЛҚИМИЗДА «Ота-савлат, она-давлат» деган пурҳикмат гап бор. Шу нақлни эсласам кўз ўнгимда Бекмурод отанинг маъноли кулиб турган қиёфаси гавдаланади. Қизил мағиз юзли, истараси иссиқ, сўрашганда каттага ҳурмат, кичикка иззат кўрсатадиган бу отахон Эркин маҳалласи аҳли ўртасида катта аҳил хонадон соҳиби сифатида муносиб обрў-эътибор қозонган, Одамлар назарига тушиш ҳазилакам иш эмас, албатта.

1919 йилда Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги (ҳозирги У. Юсупов номли агросаноат бирлашмаси) ҳудудида ўсган Бекмурод Тошмуҳамедов ёшликдан меҳнатга меҳр қўйди. Жамоа хўжалигининг пахтачилик бригадасида тракторчи, ҳисобчи, бригадир бўлиб ишлади. Меҳнатни севиш умрининг мазмунига айланди. 1949 йилнинг март ойида эса Бекмурод ота билан Хадича ая турмуш қуришди. Сўнгра 1955 йилда Эркин қишлоғига кўчиб келишди.

Бекмурод Тошмуҳамедов Тошкент Марказий бўрдоқичилик базасида оддий ишчи бўлиб баракали меҳнат қилди. 1979 йилда эса пенсияга чиқди. Отахон «Меҳнат фахрийси», Бекмурод ота ҳавас қилса арзигулик пиру-бадавлат инсон сифатида фарзандлари, куёвлари, келинлари, 27 нафар набира, эвараларининг севимли отаси, бобоси бўлиб, оқила онахон Ҳадича ая билан биргаликда меҳнатлари самарасидан бахраманд бўлиб, тинч-тотув ҳаёт кечиришмоқда. Беш ака-ука Ҳамиджон, Ҳалилжон, Қодиржон, Ғофуржон, Абдувоҳид маҳалла-куй ишларида, тўй-маъракаларда, эл-юрт юмушида доимо хизматдалар.

Ҳадича ая «Сиз баъзи хислатларингиз билан Фармонбибига ўхшаб кетасиз», — десам, онахон ҳам маъноли кулиб, «Улуғбек болам, баъзида бошқалар ҳам менга шундай дейишади. Яратганга шукр, фарзандларим уй-жойли, ҳаттоки, набирали бўлганда ҳам ҳаётий тажрибамни ўргатяпман», — дейди.

Халқимиз «Қўшақаринглар, пиру-бадавлат бўлинглар», деб дуо қилади. Бекмурод ота билан Ҳадича ая дуо олганлардан. Қўша қариган, ўғлалар ҳавас қилса арзийдиган оилага бош-қошлар. Илоё ҳаммага мана шундай бахт ато этсин!..

Улуғбек ПЎЛАТОВ.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги олдидан

ИСТИҚЛОЛДАН — ИСТИҚБОЛГА

Давлат мустақиллигини қўлга киритиш натижасида Ўзбекистон учун иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг, маданий ва маънавий янгиланишнинг кенг истиқболлари очилди.

Ислом КАРИМОВ.

МУСТАҚИЛЛИК ПОЙДЕВОРИ

1991 ЙИЛНИНГ 1 СЕНТЯБРИ ўзбек халқи тарихида энг унутилмас оламшумул кун сифатида умрбод муҳрланиб қолади. Шу кун асрий орзулар ушалиб, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришди. Истиқлолимизнинг оламшумул аҳамиятини Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида жуда лўнда ва чуқур ифода этган.

«Мустақиллик йиллари, — деб ёзади Ислом Абдуғаниевич, — ўз ўтмишимизни, ўз маданиятимизни холисона билиб олиш давридир. Бу — жаҳон ҳамжамияти, тарих олдидаги вазифамизни англаб олиш давридир. Бу давр бой имкониятларга эга бўлган республикани танг аҳволга солиб қўйган сабабларни мафкуравий ақидалардан ҳоли тарзда жиддий таҳлил қилиш, тангликни тезроқ бартараф этиш йўлларини излаш йилларидир».

Истиқлолгача дунё харитасида бир нуқтадек бўлиб турган Ўзбекистонни жаҳон таниди. Ёш давлатимизни курраи заминимиздаги деярли барча мамлакатлар тан олди. Жаҳоннинг энг илғор етакчи мамлакати бўлмиш Америка Қўшма Штатларидек буюк давлат билан ҳам тенгма-тенг мулоқот қилиш, яқин алоқалар ўрнатиш имконияти туғилди. Буни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегациясининг шу йил ёзида Америка Қўшма Штатларига ташриф буюриши, юртбошимизнинг Президент Билл Клинтон билан учрашуви ҳам яққол кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан сўнг ўз тараққиёт йўлини аниқ белгилаб олди. Ватанимизни хур, кучли ва равнақ топаётган диёрга айлантириш саъй-ҳаракатларига астойдил киришди.

> Ўзбекистон Республикаси амалда деярли барча халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Ўз навбатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Иттифоқи Комиссияси, Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки Тошкентда ўзларининг минтақавий ваколатхоналарини очганлар.
>
> Мамлакатимиз ЭКО — иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти каби минтақавий ташкилот аъзосидир. Ўзбекистон парламент делегацияси Европа Иттифоқи парламент ассамблеяси ишида фаол қатнашмоқда. 1996 йил Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. МДҲ мамлакатлари орасида Европа Иттифоқи билан шундай олий даражадаги битим имзолашга фақат Россиягина муяссар бўлган эди.

Ҳозирги вақтда бутун жаҳон томонидан эътироф этилган «Ислоҳотларнинг ўзбек модели» юртбошимизнинг машҳур беш тамойилига асосланган. Биринчи тамойил — иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги. Иккинчи тамойил — бош ислоҳотчи давлат бўлиши лозим. Учинчи тамойил — қонуннинг барча нарсадан устунлиги. Тўртинчи тамойил — кучли ижтимоий сиёсат. Бешинчи тамойил эса — ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш. Бугун бу тамойилларнинг барчаси Ўзбекистон иқтисодиёти, Ўзбекистон ҳаёти мисолида синовдан ўтди ва мамлакатда амалга оширилган ўзгаришларнинг пойдевори бўлди.

Ўзбекистон ислоҳотларни босқичма-босқич — ўз имкониятини аниқ мақсад сари қаратиб, имконият ва мақсадни ўзаро тошу тарози қилиб, барча ресурсларни янги босқич учун устивор бўлган вазифаларни бажаришга сафарбар этган ҳолда ҳаётга тадбиқ этмоқда.

Тараққиётнинг ўзбекча моделида кучли ижтимоий сиёсат, унинг аҳамияти ҳақида гапирмасдан илож йўқ.

Кучли ижтимоий сиёсатнинг муҳим роли шундаки, у халқимизга ислоҳот шунчаки ислоҳот учун эмас, балки аввалambор халқ манфаатлари учун ўтказилмоқда, деган ишонч бахш этади.

Бугунги кунга келиб, Иттифоқ парчаланган сўнг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг кўпчилик мамлакатлари энг осон йўлдан кетганлари маълум бўлиб қолди. Улар маҳсулот экспортидан тушган барча ресурслар ва хориждан олинган кредитларни энг аввало, турли импорт, молларига, улар билан ички бозорни тўлдиришга сарф этдилар ва шу тариқа, ўзлари билган ва билмаган ҳолда, мамлакатнинг ўзида товар ишлаб чиқарувчиларни бозордан четга чиқариб қўйдилар. Оқибат шу бўлдики, бу мамлакатларда саноат ва қишлоқ хўжалиги, туб маънода эса, буткул миллий иқтисодиёт заифлашди, бутунлай таназзулга, парокандаликка учради.

Ўзбекистон энг оғир йўлни танлади. Республикадаги мавжуд корхоналар, бошқалардан олинган қарзнинг асосий қисми инвестицияларга, ишлаб чиқаришни ўстириш учун сарфланди. Ҳозирга келиб ана шу сармоялар ўз самарасини бера бошлади.

Ўзбекистоннинг ўзи танлаган янгиланиш ва тараққиёт йўлида, шу жумладан иқтисодиётда беш йилда салмоқли ютуқларга эришилди. Ишлаб чиқариш ва турмуш даражасининг МДҲ таркибидаги ҳамма мамлакатлар бошига тушган пасайиши Ўзбекистонда энг кам даражада бўлди. 1990 — 1995 йиллардаги ялпи маҳсулот ҳажмини солиштириш шу даврда Ўзбекистонда юз берган пасайиш Россия ва Белоруссига нисбатан икки баробар, Қозоғистон ва Украинадагига нисбатан тўрт баравар кам бўлганлигини кўрсатди. Бугунги кунга келиб эса иқтисодий юксалиш аломатлари тобора яққолроқ кўзга ташланмоқда. Чунончи, 1995 йилда саноат ишлаб чиқаришдаги ўсиш 0,2 фоиз, қишлоқ хўжалигида 2,3 фоиз, инвестицияда 2 фоиз, ташқи савдо оборотида 13 фоиз, туризмдан даромадда 20 фоизга тенг бўлди.

Ишлаб чиқаришнинг МДҲ мамлакатларига нисбатан анча кам пасайганлиги ва иқтисодиётнинг тобора барқарорланиб бораётгани натижасида Ўзбекистон ўз мавқеини мустаҳкамлаб олди. Ҳозир Ўзбекистоннинг жаҳонда авиация техникаси, олтингугурт кислотаси, минерал ўғит, рангли металл, пахта толасидан эшилган ип, газмол, ўсимлик мойи, мева, сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича улуши анча салмоқли. Республика қоракўл тери, пахта етиштириш бўйича жаҳондаги етакчилардан бири, газ ва олтин қазиб олишда эса 8-ўриндадир. Йирик самолётлар ва пахта териш машинаси каби техник жиҳатдан мураккаб маҳсулот ишлаб чиқарадиган саноқли мамлакатлардан бири ҳисобланади.

Халқ хўжалиги тармоқлари структурасида шундай ижобий ўзгаришлар юз бермоқдаки, бундан кутилаётган пировард мақсад юқори технологик ва самарали ишлаб чиқариш базасида мустақил иқтисодиётни шакллантиришдир. Хом ашё ва қайта ишлаш тармоқлари ўртасидаги номутаносибликни бартараф этиш учун қатъий чоралар кўрилмоқда.

Республикада бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва жадаллаштириш, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни кенгайтириш мақсадларида молиявий ва микроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, миллий валютанинг қадрини ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кўзлаган изчил иқтисодий сиёсатни тадбиқ қилишга алоҳида эътибор берилди. Бунинг учун иқтисодиёт тизимлари тубдан ўзгартирилди, эркин бозор, товарлар, сармоялар ва хизмат кўрсатиш соҳаси фаолият кўрсатиши учун шароит яратилди.

ТУБ БУРИЛИШНИНГ БОШЛАНИШИ

Туб ислоҳотлар бошлангандан буён ўтган давр мобайнида 1995 йилни туб бурилиш йили, деса бўлади.

Хусусан, 1995 йил якунлари Ўзбекистон ишлаб чиққан йўналиш, иқтисодий ислоҳотларнинг устивор жиҳатлари тўғри эканини тасдиқлади ва ўз самараларини бера бошлади. Шуларнинг натижасида ва таъсирида республика иқтисодида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш пасайиши суръати амалда тўхтатилди.

1995 йилда биринчи марта асосий тармоқлар ва соҳалар бўйича ўсиш суръатларига эришилди.

Ички ялпи маҳсулот 1995 йилда 1994 йил даражасига нисбатан 96 фоиз бўлади, деб мўлжал қилинган эди. Аслида эса 98,8 фоизни ёки 300 миллиард сўмни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1994 йилга нисбатан 100,2 фоизга тенг бўлди. Асосий тармоқларни ривожлантиришда салмоқли натижаларга эришилди. Масалан, ёқилғи-энергетика соҳасида 100,7 фоиз, машинасозликда 124,6 фоиз натижа кўрсатилди. «Узавтосаноат» уюшмасининг йиллик кўрсаткичлари 250 фоиз, «Ўзмашсаноат» уюшмасида 134, 3 фоиз, кимё саноатида 113,0 фоиз, мебелсозлик саноатида 111,5 фоизга кўтарилди. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш 1,5 фоиз ўсди.

1995 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 1994 йилга нисбатан 2,3 фоиз кўпроқ етиштирилди. Деҳқончиликдаги ўсиш эса 5,6 фоиз бўлди.

Ана шу якунлар мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида бир неча хулоса чиқаришга имкон беради.

Биринчи хулоса, Ўзбекистон эришган натижаларни Ҳамдўстлик мамлакатлари билан қиёслаган, таққослаган ҳолда, бир нарсани очиқ айтиш мумкинки, бу кўрсаткичлар Ўзбекистон модели тарих имтиҳонидан муваффақиятли ўтаётганини амалда тасдиқлайди. Бу кўрсаткичлар барча ислоҳотларимиз пойдеворида турган асосий тамойилларимизнинг тўғри эканини исботлайди.

Иккинчи хулоса: ислоҳотлар жараёни учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилди. Бу ўз навбатида ислоҳотлар барқарорлигига, уларнинг узлуксиз олға силжишига имкон туғдирди.

Учинчи хулоса: иқтисодиёт ва молияни барқарорлаштиришда сезиларли натижаларга эришилди. Инфляция даражаси 1995 йилда 1994 йилга нисбатан 3,7 марта қисқарди. 1995 йил январь ойидаги инфляция, яъни нарх ўсиши 16,9 фоизни ташкил этган бўлса, декабрь ойида 2,2 фоизни ташкил қилди. Бу иқтисодиётни жонлантиришни ва унинг бундан буёнги ўсишини таъминлашни олдимизга стратегик вазифа сифатида қўйишга асос беради.

Тўртинчи хулоса: миллий валютамиз бақувватлашиб, барқарорлашиб бормоқда. Республика валюта биржасида мунтазам равишда савдо ўтказилиб турибди. Сотилаётган эркин муомаладаги валюта ҳажми кўпайди, яъни 1995 йилда 1,3 миллиард доллардан ошиб кетди. Бу 1994 йилдагидан 11 марта кўп демакдир.

Бешинчи хулоса:кучли ижтимоий сиёсат юритилиши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг бутунлай янги тартиблари жорий этилиши сўнгги йилларда фақатгина одамлар турмуш даражасининг ўсишигагина эмас, балки уларнинг даромадлари ўсишига ҳам олиб келди.

Аҳолининг реал даромадлари, инфлацияни ҳисобга олган ҳолда ҳам, 1995 йили ундан олдинги йилга нисбатан тахминан 40 фоиз ортди.

1995 йил давомида ишчиларнинг ўртача иш ҳақи миқдори 3,7 марта, пенсиялар миқдори 3,6, стипендиялар миқдори эса 5,1 марта ортди.

1995 йилнинг ўзида 500 мингга яқин эҳтиёжманд оилалар маҳалла қўмиталари орқали ҳар ойда нафақалар олиб турди. Йил давомида эса 6 миллиард сўм нафақа тўланди.

Ўзбекистонда Ҳамдўстлик мамлакатларида биринчи бўлиб аҳолининг омонатларидаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилишга қарор қилинди. 1996 йилда қайта тикланган омонат дафтарчалари бўйича 1 июлдан бошлаб ҳақ тўлай бошланди. Халқ банкида бундай дафтарчалар сони 5 миллионтага етади. Омонатчиларнинг истагига мувофиқ ва 1996 йил охиригача фоиз ставкаларини ҳисобга олганда 3 миллард 600 миллион сўм тўланиши керак. Қайта тикланган омонатларнинг 10 фоизигина ана шунча бўлади.

Бунинг учун қоплаш фонди ташкил этилди. Бу фоднинг 50 фоизи бюджет ҳисобидан, 50 фоизи эса бюджетга кирмайдиган фондлар ҳисобидан бўлди. Омонатчиларнинг ҳаммаси қайта тикланган пулнинг 10 фоизини тўлашни талаб қилса, бунинг учун 1996 йил бюджетидан 1 миллиард 900 миллион сўмга яқин пул ажратилади. Бу пухта ҳисоблаб чиқилган рақам: ҳатто Президент ёки Вазирлар Маҳкамасининг бюджетда кўзда тутилган умумий ҳаражатлардан 1 фоиз миқдоридаги захираси ҳисобидан ҳам бу тўловларни амалга ошириш мумкин бўлади.

Олтинчи хулоса: 1995 йилда иқтисодиётимизда давлатга қарашли бўлмаган секторнинг ривожи юксак суръатлар билан ўсгани яққол кўринди. Ҳозир республикада 32 минг кичик корхона мавжуд бўлиб, улар халқ хўжалигининг 22 соҳасида фаолият кўрсатмоқда. «Хусусий тадбиркорлик ва ташаббусни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши, «Бизнес фонд», амалий алоқалар маркази, «Мадад» суғурта жамиятининг тузилиши кичик тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

> Республикада ҳозир 4 мингдан ортиқ акционерлик жамиятлари рўйхатга олинган. Йирик ва ўрта корхоналарни акциялаш бошланди. Эркин сотишга, шунингдек ҳорижий сармоядорларга мўлжалланган акциялар ҳажми ортди. 1995 йилнинг ўзида 1 миллиард сўмликдан кўпроқ акциялар сотилди.

Ана шу ўзгаришлар натижасида давлатга қарашли бўлмаган нодавлат секторининг иқтисодиётлари улуши кескин ошиб бораётир. Мазкур сектор саноат маҳсулотининг 44 фоизини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг эса 87 фоизини ишлаб чиқармоқда. Барча капитал маблағларнинг 44 фоиздан ортиғи унинг ҳиссасига тўғри келади.

Халқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг 64 фоизи ана шу давлатга қарашли бўлмаган нодавлат секторда ишламоқда.

Ва ниҳоят еттинчи хулоса: Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий алоқалари кун сайин кенгайиб бормоқда. Мамлакатимизнинг тўловларга қодир ишончли ҳамкор сифатидаги халқаро обрўси тобора ошмоқда. 1995 йилда ташқи савдо оборотида 216 миллион долларлик ижобий сальдога эришилди. Ташқи савдо оборотининг таркиби сезиларли даражада ўзгарди — 1995 йили иқтисодий жиҳатдан тараққий этган хорижий мамлакатлар ҳиссасига жами оборотнинг 57 фоизи тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 1994 йилда 42 фоизни ташкил этган эди.

Республикамизда амалга оширилаётган изчил туб иқтисодий ўзгаришлар дастури халқаро молия муассасалари билан, шу жумладан Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш ишига ижобий туртки берди. Бу миллий валютанинг қадрини оширишга хизмат қиладиган валюта захираларини кўпайтириш учун молиявий ёрдам олишга имкон туғдирди.

Турлича мулк шаклига эга бўлган корхоналар ва ташкилотлар қатори тадбиркорлик билан машғул жисмоний шахслар ҳам ташқи бозорга чиқадиган бўлди. Республиканинг ваколатли банклари томонидан аҳолининг нақд пулларини эркин муомаладаги валютага алмаштириш учун зарур шароитлар яратилди.

ТАРАҚҚИЁТНИ БЕЛГИЛОВЧИ ТАРМОҚЛАР

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида сезиларли таркибий ўзгаришлар рўй берди. Мўжалланган дастур бўйича мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, корхоналарни ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш, иқтисодиётда монополияга барҳам бериш, унинг нодавлат сектори ҳамда хусусий мулкнинг шаклланиш ва оёққа туриш жараёнлари давом этди.

Бозор ислоҳотларини тезлаштириш мақсадида қимматбаҳо қоғозлар бозори шакллана бошлади.

Аҳоли маблағларини иқтисодни сармоялашга жалб этиш, республика ҳудудида қимматбаҳо қоғозлар иккиламчи бозорини шакллантириш ва ривожлантириш учун фонд дўконлари тармоғи вужудга келтирилган. Ҳозирги кунда республикада 55 та, Тошкентда эса 30 дан ортиқ шундай дўконлар бўлиб, булар орқали 5 миллион сўмга яқин қимматбаҳо қоғозлар реализация қилинди.

Банклар республикамиздаги энг йирик ҳиссадорлик жамиятларидир. 1995 йил давомида ҳиссадорлик банклари қаторига яна 8 таси қўшилиб, ҳозир уларнинг сони 21 тага етди. Аҳоли томонидан харид қилинган банклар акцияларининг 60,4 фоизи оддий акциялардир. Агар бу маълумот 1995 йилнинг бошидаги ҳолат билан таққосланса, аҳолининг қимматбаҳо қоғозларга бўлган муносабати ўзгараётганлиги, унга бўлган ишончнинг ортаётганлигига гувоҳ бўламиз. Чунки, ўша даврда аҳоли қўлидаги акциялар пакетининг асосий қисми имтиёзли акциялар бўлиб, оддий акциялар 44,1 фоизини ташкил этган эди. Зеро, бугун аҳолини доимий даромадларидан кўра мулкдорлик ҳуқуқи кўпроқ қизиқтирмоқда.

Узбекистон иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизнинг истиқболларини белгиловчи импорт ҳажмларини камайтириш ва экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош йўналишлари ҳисобланади.

Шунингдек, устивор тармоқларни тезкорлик билан ривожлантириш мақсадида тармоқлар ва минтақалар номутаносиблигини қисқартириш сиёсати амалга оширилмоқда. Хусусан, 1995 йилда асос тармоқлари — нефть ва газ саноати, электр энергетика, машинасозлик ва кимё саноати корхоналари анча барқарор ишлади. Металлургия саноатида, қишлоқ хўжалиги саноати комплексида, енгил ва мебель саноатида ва бошқа бир неча тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш бўйича ижобий силжишлар кўзга ташланди.

Республикада энергетика мустақиллигини таъминлаш борасида айниқса салмоқли натижаларга эришилмоқда. 1995 йилда нефть ва газ конденсатини қазиб олиш қарийб 1,5 баробар ортди.

Ҳозир мамлакатимизда асосий эътибор биринчи навбатда энергетика базасини янада ривожлантиришга қаратилмоқда. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилишини жадал суръатларда давом эттириш, Қўқумалоқ нефть-газ конденсати конларини жиҳозлаш, компрессор станцияси қурилишини тугаллаш, Мингбулоқ нефть конида қидирув ишлари олиб бориш ва очилган фавваоларни ишга солиш, Газли — Нукус газ қувурининг иккинчи навбатини қуриш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистонда топилган газ заҳиралари қарийб 2 триллион кубометрни, кўмир заҳираси 2 триллион тоннадан зиёдни ташкил этади. Бизда 160 дан ортиқ нефть конлари мавжуд. Мамлакатимизнинг қарийб 60 фоиз худуди нефть ва газ қазиб олиш учун истиқболли саналади.

Шуниси аҳамиятлики, мамлакатимизда нефтнинг 90 фоизидан ортиғи энг арзон ҳисобланган «фаввора» услубида қазиб олинмоқда. Ўзбекистонда топилган нефть заҳираларининг ишланганлик даражаси атиги 32 фоизни ташкил этади. Шу кўрсаткич Туркманистонда — 61, Қирғизистонда — 41, Тожикистонда — 60 фоизни ташкил қилади. Топилган газ конлари соҳасида ҳам айнан шундай манзарага гувоҳ бўласиз. Замонавий хорижий технологияларни жорий этиш қўшимча яна 50 миллион тонна нефть қазиб олиш имконини беради.

Яқинда «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси билан АҚШнинг «Тексако» компанияси ўртасида қўшма корхона таъсис этиш ҳақидаги шартнома, шунингдек, «Ўзбекнефтгаз» билан «Инрон ойл энд газ» корпорацияси ўртасида газ конларини қидириб топиш ва қазиб олиш бўйича қўшма корхона тузиш шартлари ҳақидаги шартнома имзоланди.

Техас штатидаги Хьюстон шаҳрида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида имзоланган ҳамдўстлик ҳамда ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг ижросини таъминлаш борасида ўзаро манфаатли чора-тадбирлар белгиланди. Ушбу ҳужжат Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 200 га яқин АҚШ компания ва фирмалари фаолият кўрсатаяпти. Улар орасида «Каргил интерпрейзес», «Интерконсептс», «Байтмнл инжиниринг», «Лиг трайдинг груп», «ФМС корпорейшн», «Жи-Эй-Би», «Проктор энд тембл», «Агротек» каби фирма ва компаниялар бор. АҚШ ишбилармонлари билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларнинг ривожида эса Америка Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш корпорацияси (ОПИК)нинг алоҳида хизмати бор. ОПИК Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Америка компанияларининг 200 миллион долларлик сармояларини, шунингдек, Ўзбекистон ва янги мустақил давлатлар иқтисодиётига киритилган умумий ҳажми 1,2 миллиард долларлик 6 та инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватламоқда. ОПИК ёрдамида 400 миллион доллар мамлакатимиз газ саноатини ривожлантиришга сарфланади.

Асакада қурилган «ЎзДЭУавто» конвейеридан 1996 йилнинг 25 мартида «Дамас», 15 июнда «Тико», 25 июнда эса «Нексия» машиналарининг дастлабки туркумлари чиқарилди. Корхона 3 хил молификацияда 7 турдаги автомашиналар ишлаб чиқаради. 1996 йил унинг конвейеридан 30 мингтага яқин, келаси йили 105 мингта машина тайёрланади. 1998—1999 йилларда лойиҳада белгиланган қувватга етади, яъни йилига 200 мингта автомобиль ишлаб чиқариладиган бўлади.

Тарихдан маълумки, АҚШ, Япония, Германия ва Жанубий Корея каби мамлакатлар ҳам ўз юксалишини айнан шундай — автомобиль саноатини ташкил этиш ва ривожлантиришдан бошлашган. Чунки бу саноат бошқа тармоқларни ҳам ўз ортидан тортиб кетувчи локомотивга қиёс қилинади. Шу боис, Президентимиз Ислом Каримов 1992 йилда Жанубий Кореяга сафар қилганда корхоналарни жумладан, «ДЭУ пабликмоторс»ни ҳам бориб кўрган. У ерда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар, меҳнатни ташкил этилишини кўриб, ўзимизда ҳам шундай корхонани кўришни орзу қилган эди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Жанубий кореялик мутахассислар келиб, Асакадаги трактор тармоқлари ишлаб чиқарадиган завод ўрнида Ўзбекистон билан биргаликда янги корхона қуриш ҳақида шартнома имзоланди. 1993 йил апрель ойида қўшма корхонани тиклаш бошланди.

Автозаводнинг қурилиши ўз навбатида халқ хўжалигининг бошқа кўплаб тармоқларида ҳам туб ўзгаришлар қилиш зарурияти келтириб чиқармоқда. Маълумки, Кореянинг автомашиналари сифатли ёнилғида юради. Демак нефть-ёнилғи саноатини ривожлантириш керак. Ҳозир Қоравулбозорда қурилаётган нефтни қайта ишлаш заводи ва қайта таъмирланаётган кўплаб турдош корхоналар худди шу мақсадга ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон ҳозир улкан қурилиш майдонига айланиб кетди. Ҳозирда автомобиль йўллари қурилишига ҳам эътибор кучайтирилди. Йўллар халқ хўжалигининг қон томиридир. Автосаноатнинг тарқиб топиши ўз навбатида металлургия, электротехника каби мураккаб соҳаларни ҳам кескин юксалтиришни талаб этмоқда.

Тошкент яқинида пластмасса деталлар заводига асос солинди. Ҳозир глушителлар ва ёнилғи баклари ишлаб чиқариладиган қўшма корхоналар қуришга киришилди. Яқин орада электротехника, диск, тормоз қувурларини ҳам ўзимизда ишлаб чиқариш учун бундай заводларнинг технологик линиялари сотиб олинади.

Бундан ташқари Марказий Осиё давлатларидаги шу соҳа ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш режалаштирилган. Келгусида қозоғистонликлар «ЎзДЭУавто» учун аккумулятор, шиналар, қирғизистонликлар радиаторлар, бензин баки ва бошқа айрим эҳтиёт қисмлар ҳамда деталлар етказиб беради.

Бунёдкорлик ишлари ана шу тарзда барча вилоят ва шаҳарларда кенг кўламда олиб борилаётир. Бу ишлар айниқса 1996 йилда кучайди. 1996 йил, шунингдек, кенг қамровли ижтимоий дастурни амалга оширишнинг, уй-жой, қишлоқ мактаблари ва тиббиёт пунктлари, маиший объектлар: телефонлаштириш ва телекоммуникациялар қуришни ўз ичига қамраб олган кенг ижтимоий дастурни амалга оширишда биринчи йил бўлди.

Шу маънода Мустақиллигимизнинг беш йиллиги арафасида Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори ҳеч муболағасиз оламшумул — тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бу республика ҳукумати олиб бораётган кучли ижтимоий сиёсатнинг изчил давом этаётганини тасдиқловчи ҳужжатдир.

> 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ жойларида жами 18 530 километр ҳажмда газлаштириш, 9550 километр ҳажмда водопроводлаштириш ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Шунинг 245 минг ўқувчига мўлжалланган мактаб биноси, 805 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 2 минг ўринли шифохоналар барпо этилади. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ турмуш маданиятини ошириш, таълим-тарбияни такомиллаштириш, оналар ва болалар, дала меҳнаткашларининг сиҳат-саломатлигини яхшилашда катта аҳамият касб этиши, шубҳасиздир.

Республикамизда илгари ҳам яқин келажакка мўлжалланган турли дастурлар қабул қилинган. Бу галгиси ўз кўлами ва қамровининг кенглиги жиҳатдан бетакрор. Унинг таг-заминида қишлоқ ҳаётини ислоҳ қилиш, савдо, умумий овқатланиш, маориф, тиббиёт, маданий-маиший хизмат, уй-жой қурилиши, алоқа тизимини янада такомиллаштириш асосида кишилар учун намунали иш замонавий турмуш тарзини шакллантириш мақсади ётади. Қолаверса, жисмонан соғлом, маънавий баркамол инсонларни тарбиялаб, вояга етказаш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бидир.

Дастурни тақазо этган яна бир ҳаётий зарурат шундаки, республика аҳолисининг 60 фоиздан зиёдроғи қишлоқ жойларида яшайди. Уларнинг бахти, келажаги ҳақида бугун ўйлашимиз керак. Эртага кеч бўлади. Зеро, инсон ислоҳот учун эмас, балки ислоҳотлар инсон учундир.

НУРЛИ КЕЛАЖАК ЯРАТУВЧИЛАРИ

Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтиши даврида тадбиркор, ўз ишининг устаси, рақобатга ва кооперация масалаларини тўғри ҳал эта оладиган юқори малакали кадрлар республика учун жуда зарур. Мамлакатимиз жаҳон интеграциясига кириши учун аввалambор таълим тизими жаҳон тажрибасини ўрганиши лозим.

Мустақилликнинг илк йилидаёқ Ўзбекистон ҳукумати томонидан ташқи ўқув ва илмий алоқаларни кенгайтириш мақсадида бизнинг Тошкент Давлат иқтисодиёт университетимизга катта ёрдам кўрсатилди. Шу йили ўн нафар иқтидорли талаба АҚШ университетларида ўқиши учун 100 минг АҚШ доллари ажратилди. Бундай имтиёз ва яратилган шарт-шароит туфайли бугунги кунда ушбу даргоҳ жаҳоннинг илғор университетлари ва илмий марказлари, асосан АҚШдаги университетлар билан халқаро алоқалар олиб борувчи олий ўқув юртлари орасида республика миқёсида етакчи ўринни эгаллайди. У ўндан ортиқ АҚШ университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликда ишлаш учун шартномалар тузган. Булар Кентукки, Оклахома, Мичиган, Мерлиэнд, Иллинойс, Колорадо, Висконсин штатларидаги университетлар, Бейлор, Эмори, Харлин-Симонс университети, Келлог бизнес мактаби, Колорадо штати иқтисодиёт институтлари ва бошқалардир.

Жумладан, 1995 йили Жаҳон банкининг Иқтисодий ривожлантириш институти билан ўқитувчилар ташкилотларни хусусийлаштириш ва қайта қуриш тизими, банкларни муваффақиятли бошқариш, ижтимоий соҳани лойиҳалаштириш, бизнес режалар ишлаб чиқиш ва чет эл сармоясини жалб қилиш. «Лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва молиявий таҳлил», «Аграр сиёсати» сингари дастурларда иштирок этдилар. Ушбу институт ёрдамида университетда Вена институтининг Минтақавий маркази очилган бўлиб, унинг мақсади илгари иқтисодий марказлашган режа асосида иш юритган, ҳозир эса бозор иқтисодига ўтаётган давлатларга мутахассислар тайёрлаб беришдан иборат. Марказ бозор иқтисоди ва молиявий таҳлил бўйича турли курсларни ташкил этди. 1992—1996 йилларда бозор иқтисоди ва молиявий таҳлил бўйича 11 ҳафталик олтита бошланғич курслар ўтказилди. Буларда Ўзбекистоннинг давлат хизматчиларидан 51 нафар киши ўқиб чиқди. Унинг 15 нафари иккинчи босқичга — Венада ўқишни давом эттиришга танлаб олинди.

> 1991 йилдан буён ҳозиргача АҚШда университетнинг 96 нафар талабаси ўқимоқда. Булардан 23 нафари ўқишни тугатиб, «Бизнес администрейшн бакалаври» даражасини эгаллади. Бир неча аспирант ва талаба магистр даражасини олиш учун ўқишни давом эттиришда. Мустақиллик йиллари даврида университетнинг юз нафардан ортиқ ўқитувчиси турли дастурлар билан АҚШга бориб келди.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва «Ўзистиқболстат»нинг ўзаро шартномаларига асосан Жаҳон банки ёрдамида «Макроиқтисодиёт асослари» бўйича ўнта бошланғич курслар ташкил этилди. Уларда жами 346 нафар тингловчи иштирок этди.

1991 йили университет ташаббуси ва АҚШ Арканзас штатининг кўмаги билан «Келажак» номли халқаро бизнес мактаби очилди. Бу мактабнинг асосий мақсади фақат Тошкент шаҳрида эмас, балки республиканинг барча вилоятларидаги иқтидорли ёшлар билан ишлашдир.

АҚШ ўқув юртлари билан алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида университет вакиллари Мичиган, Оклахома ва Нью-Йорк штатлари университетлари билан янги шартномалар тузадилар. Бунга асосан ўқув юртлар ўртасида ўқитувчи ва олимлар ҳамда талабалар алмашувлари, қўшма илмий-тадқиқот ва методик ишларни олиб бориш кўзда тутилган. Ҳамкорлик жараёнида Америка университетларида қўлланилаётган ўқув дастурлари, режаларни синчиклаб ўрганиш асосида республикамиз иқтисодий таълим тизимининг жаҳон андозаларига ўтказилиши таъминланади.

Бу Истиқлол шарофати эканлиги шубҳасиздир, Чунки илгарилари Ўзбекистон ва АҚШ олий ўқув юртлари ўртасида бундай ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишни тасаввур ҳам қилиб бўлмасди.

Истиқлол Ватанимиз — Ўзбекистон, халқимиз, ҳар биримизга ҳурлик келтирди, истеъдод ва салоҳиятимизни намоён этиш учун чексиз имкониятлар яратди.


Дунё ҳамжамияти юртимизнинг ислоҳотлар ва янгиланиш йўлидан дадил ҳамда ишонч билан ташлаётган одимларини катта қизиқиш билан кузатиб турипти. Биз олдимизга қўйган мақсадларимизга, албатта эришамиз ва бунга яқин қолди.

Леонид Левитиннинг Дональд с. Карлайл билан ҳамкорликда ёзган «Ислом Каримов — янги Ўзбекитон Президенти» китобида ўринли таъкидлаб ўтилганидек, иттифоқ парчаланган сўнг пайдо бўлган янги мустақил давлатлар раҳбарлари орасида Ислом Каримовгина ўз мамлакати тараққиёти йўлини аниқ белгилаб олди ва бу танланган йўлдан халқни дадил олға бошлаб боряпти. Шунинг учун ишчилар ҳам, деҳқонлар ҳам, тадбиркорлар ҳам, янги ёш зиёлилар ҳам, умуман, бутун халқимиз ҳам Президентимизни яқдил қўллаб-қувватламоқда. Ушбу китобда уқтирилганидек, янги аср бўсағасида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрнини олди ва янги минг йилликка умид ва ишонч билан қадам қўяпти.

Саидаҳрор ҒУЛОМОВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги.







СОҲИБҚИРОН ВА ХОЖИ ХУСАЙНБЕК

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 660 ЙИЛЛИГИГА

ҲАР ЙИЛИ ёки йил оралатиб таътилни Бошқирдистон республикасида ўтказишимиз одат бўлиб қолган. Уфа, Чашма, Шафрон, Ярмакай, Белебей... Энг кўркам, ҳавоси мусаффо, ўрмон ва дарёларга, тарихий обидаларга бой бўлгани сабабли кўп вақтимиз ўша ерларда ўтган. Чашма қўрғонида деворлари нураган бўлса ҳам салобати билан одамларни лол қолдирадиган улкан бир шарқона обидани зиёрат қилаётганимизда шу ерлик, ёшлари 80 дан ошган Собит бобой «Бу мақбарани Амир Темур Кўрагоний қурдирганлар, илоё жойлари жаннатда бўлсин», — деб тушунтирди. Шу бир оғиз гап бобомиз Амир Темурнинг Россияга сафарини акс эттирган кўплаб тарихий манбалар билан танишишимизга сабаб бўлди.



Мақбаранинг бир томони Чашма яйловларига, бир томони эса Оқзират кўлига уланиб кетган. Чор-атрофда кўм-кўк ўрмон, булбул ва тўрғайларнинг хуш овози кишини мафтун қилади. Қадим замонларда жаннатмисол бу ерларга бошқирд хонлари макон қуришган экан. Сўнг мўғул лашкарлари ҳаммаёқни ларзага келтириб, қирон солиб ўтишди. Ярим ёввойи нўғой қабиласи шу ерда ўтроқ бўлиб, бошқирд элини ўз қарамоғига олди. Аммо, улар расман ислом динини қабул қилган бўлсалар ҳам диний расм-русумларга деярли риоя қилмас эдилар. Бошқирд ерларига энг яқин жойлашган мусулмон мамлакати Туркистон ва Бухоро эди. Ана шу сабабли нўғой хони Барач Туркистон ҳукумдорларига мурожаат қилиб, ўз қўли остидаги элларда ислом динини тарғиб қилиш учун диннинг барча қонун-қоидаларини яхши биладиган пешволардан бирини юборишни илтимос қилади. Бу мактуб ўша даврнинг энг оқил ва зукко олими Аҳмад Яссавий кўлига бориб теккач, ўз шогирди Хусайнбек бошчилигидаги тарғиботчиларни бошқирд элига жўнатишни маъқул кўради.

Хусайнбек хон қароргоҳига келиб тушди. Тарих манбаларида қайд этилишича, Барачхоннинг қароргоҳи ўша кезларда ҳозирги Уфа шаҳри ўрнида, Оқдарё қирғоқларида жойлашган эди. Хусайнбек шу ерда туриб, ўз муридларини ислом динини тарғиб қилиш учун тўрт томонга йўллайди. Элда дин таъсири кучайиб, кун сайин унинг обрўси ошгандан-ошиб боради, халқ уни «Пиримиз» деб атайди. Хусайнбек Макка сафарига чиқиб, ҳожи бўлиб қайтганидан сўнг бошқирд мусулмонларининг раҳбари — имом даражасига кўтарилади. У ҳаётлик давридаёқ азиз-авлиё деб тан олинган эди. Ўлимидан кейин эса уни Оқзират кўли қирғоғига дафн этганлар.


Амир Темур 1393 — 1394 йилларининг қиш фаслида Москвага юриш қилганида Оқзират қирғоқларида тўхтаб ўтган эди. Бошқирд хони уни совға-саломлар билан кутиб олиб, ўз тожитахти, бутун эл билан бирга Темур аркони давлатининг пойида эканини билдиради. Соҳибқирон шу ерда бир қанча вақт бўлади. Хожи Хусайнбек қабрини зиёрат қилиб, ўз ҳурмат-эътибори сифатида унга атаб улкан мақбара бунёд этишни буюради.

Мақбара ҳарсанг тошлардан йўниб барпо этилган. Унинг тўрт томони деворлари 8,28 метр узунликда бўлиб, бўйи 2,75 метрга етган. Гумбазининг баландлиги эса 2,5 метр. Мақбаранинг тўрида Хусайнбекнинг қабри жойлашган. Амир Темурнинг буйруғи билан Бухоро шаҳрида қабр тоши йўнилиб, нақш солингач, уни 12 та хўкиз билан Чашмагача тортиб келганлар. Қабр тошида Хожи Хусайнбекнинг туғилган ва вафот этган йиллари араб ҳарфлари билан битилган. Бу тош ҳозир Уфа ўлкашунослик музейида сақланмоқда.

Афсуски, йиллар Хожи Хусайнбек мақбарасини ҳам аямади. У нураб-емирилиб, харобага айланиб қолган. 1911 йилда Уфа мусулмон диния бошқармаси мақбарани тиклаш мақсадида қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб борган эди. Бироқ бу иш охирига етмади. Советлар даврида эса ҳеч ким таъмирлаш ишлари билан шуғулланишни хаёлига ҳам келтиргани йўқ.

...Ҳар гал бошқирд элида бўлиб, Оқзийрат кўли қирғоғида, баланд тепада жойлашган Хожи Хусайнбек мақбарасини зиёрат қилар эканман, ана шу улкан обида бобоколонимиз Амир Темур томонидан барпо этилганлигини, ҳатто, сафар чоғида ҳам вақт топиб катта-катта қурилиш ишларини олиб борганлиги, дин ва унинг пешволарига ҳамма вақт ҳурмат-эҳтиром кўрсатганлигини ўйлайман. Соҳибқироннинг улуғлиги, фақат элларни бирлаштириб, яккалам қилганидагина эмас, балки, катта-катта меъморий обидалар барпо этганлигида ҳамдир, деган ўй келади хаёлимга.

Рафиқ ТУРСУНОВ.



Бу манзара кимни мафтун этмайди.
Даврон АҲМАД олган сурат-лавҳа.

МИТТИ ЁҚУТЧАЛАР

Кимда-ким ҳаётдан олмаса таълим,
Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим!

Абу Абдуллоҳ Рудакий.

КЎҲНА қадриятларимиз-қадимги адабий меросимиз ўтда куймайди, сувда чўкмайди, унутилган ҳолда қолиб кетмайди! Бу нодир китоблар бизга бой адабий меросимизнинг юксак намуналари сифатида етиб келган. Бу асарлар жавоҳирлар ҳазинасидирки, улардан нечоғлик истефода этсакда, ҳар гал янгидан-янги маъно қирраларини кашф қилиб борамиз, ўзкан маънавий озиқ оламиз.

Улуғ қомусий билим соҳиблари Баҳовуддин Нақшбандий, Носириддин Рабғузий, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ва бошқа алломаларимиз ёзиб қолдирган мумтоз асарларда, инсонни комиллик даражасига кўтарувчи: аҳлоқ-одоб, саховат, карам, юртпарварлик, адолатпешалик, ҳаё, садоқат, муҳаббат, оқиллик, илм ва ижодга муҳаббат, масъулият, марҳамат каби ноёб фазилатлар улуғланган ҳикоят-ривоятларга дуч келамиз. Бу ҳикоятлар мазмунан тарбиявий, маърифий, маънавий ва илмий аҳамият касб этиши билан ҳозирги кунимизда ҳам ибрат собоғи вазифасини ўташи шубҳасиздир. Шу мақсадда, қадимги адабий меросимиз ҳазиналаридан танлаб олган ибратли ҳикоятлар — митти ёқутчаларни ҳозирги кунимизга мослаштириб, сиз азизларга тақдим қилиб боришга жазм этдик.

ОҚИЛЛИК

Алишер Навоий айтади:

— Батлимус Жолинуснинг шогирдидур. Ва анинг сўзларидан буким, қобилнинг саодати будирким, фаҳим бўлғай. Некбахт улдурким, эл ҳолидан панд олғай ва бадбахт улким, анинг ҳолидан эл панд олғай. Шеър:

Улус афъолидин сен бўл баруманд,
Йўқ улким, олғай афъолингдин эл панд.

Бузуржмеҳр Нўширавони Одилнинг вазири эди. Анинг сўзларидиндурким, устодимдин сўрдимки, йигитликда не қилмоқ яхши ва қарилиғда не қилмоқ? Дедиким, йигитликда илм касб қилмоқ ва қарилиғда ани амалға келтурмак яхшидур. Шеър:

Йигитлиғда йиғ илмнинг ганжини,
Қарилиғ чоғи сарф қилғил ани.

ҲАЁ

Нўширавон бир қизнинг ишқи билан нотавон аҳволга тушиб қолди. Кўнгли ғунча синғари тўла қон эди. Лекин, ғам сирларини пинҳон тутарди. Унга висол муяссар бўлгунга қадар, чексиз азоб-уқубат, ташвишларни бошидан кечирди.

Бир кун у чаманзордан хилват жойни танлаб, гулруҳ ёри билан суҳбат қурди. Бахтиёр Нўширавон ёрини қучмоқчи бўлган эди, гулзор-ҳам бунга рози бўлди. У севгилиси томон қўлини узатганда, бир туп наргисга кўзи тушиб қолди. Шунда аҳволи ўзгариб, қўлини тортиб олди. Суманбар ёри ҳайрон бўлди:

— Қўлингизни узатганингиз нимаси-ю, яна тортиб олганингиз нимаси? — деди.

Одобли Нўширавон бунга шундай жавоб берди:

— Шундай бир висол дамида менга монеълик қилган нарса — наргисининг шаҳло кўзи бўлди...

КАМОЛОТ

Мовардий ўз замонасининг кўзга кўринган шоирларидан эди.

Уни Гул шоир, деб ҳам аташарди. Бир куни Бойсунғур Мирзо мажлисида аҳли шуарою, фозиллар жам бўлишди. Бойсунғур Мирзонинг олдида бир даста гул, бир соғар ва бир камон турар эди. У гулни олиб соғарнинг ёнига қўйди. Камонни ҳам олиб айлантирди.

Гул шоир дарҳол ўрнидан туриб ташқари чиқдида, бир дастурхон анор келтирди. Мажлис аҳли ҳайрон бўлиб, Гул шоирдан бу ишига изоҳ талаб қилдилар, Гул шоир деди:

— Бойсунғур Мирзо гулни соғарнинг ёнига қўйди. «Гул» ва «Соғар» сўзларини Гул шоир, деб ҳам ўқиш мумкин. Сўнгра камонни айлантириб қўйди. Камон араб тилида «қавс» дейилади. У айлантирилса «суқ» бўлади. «Суқ»нинг маъноси бозордир. «Бозор» сўзи ёзувда «нор», «бор» сўзига ўхшашдир. Шулардан мен «Гул шоир, анор келтир» маъносини тушундим. Шу боис анор келтирдим.

Бу сўзни эшитиб, ҳамма унинг камолига таҳсинлар ўқиди. Шоирнинг анор келтирган дастурхонини тиллога тўлдириб бердилар.

НИЗОМ

Алишер Навоий инсон умрининг низомини тузиб берди. У айтади:

— Одам юз йилча умр кўриши керак. Ҳар бир умр фаслининг ўзига хос белгилари бор. Уларга риоя қилиш лозим. Ўн-йигирма ёшгача киши ғафлатда, ўттиз-қирқ айш вақти, эллик ёшгача иши юришмаган одам, олтмиш ёшида таназзулда қолиб кетади. Етмишда тик туриш, саксонда ўлтириш, тўқсонда ётиш керак. Фақат юз ёшлар атрофида жон таркини қилса бўлади. Беҳуда умргузаронликдан эҳтиёт бўлиш, умрни мазмунли ўтказиш лозим:

Яхшироқ ул умрдин ўлмоқ йироқ,
Умр неким, андин ўлим яхшироқ!



РУҚЪАДАГИ ҚИТЪА

Жомийнинг Навоийга йўллаган хатларидан бирида шундай қитъа ёзилган эди (таржимаси):

Зийрак у кишидирки, дунё харобасида сирлар хазинаси эшигини қоқади. Қисқа умрли мартабани оёқ остига ташлаб, қўлни катта давлат — умрбоқий ижодга уради.

Тўплаб, нашрга тайёрловчи:
Баҳодир ВАЛИЕВ.

БОЙ БЕРИЛГАН ИМКОНИЯТЛАР



«Дўстлик» жамоаси аъзоларини Самарқанддан олиб келаётган автобусда нохуш кайфият шундоққина сезилиб турарди. Негаки «Динамо» билан бўлган ўйинни улар фаоллик билан, ҳужумлар уюштириб бошлаган бўлишларига қарамай, натижа кўнгилсиз тугаганди.

Дўстликчилар бу ўйинга яхши кайфият билан отланган эдилар. Улар кейинги беш турда мағлубият нималигини билишмаганди — ўз уйларида Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоасини ҳам, бугун ўзларини «ҳафа қилган» «Динамо» жамоасини ҳам, «Трактор»ни ҳам мағлубиятга учратиб, сафарда Андижоннинг «Наврўз» футболчилари билан дуранг ўйнаб, Тошкентнинг тракторчилари устидан ғалабага эришган эдилар. Бу ўйинларда кўп тўплар киритилган бўлмаса ҳам жамоа анчагина очколар жамғариб олганди. Бунинг устига Германияда ўтказилган халқаро мусобақада учинчи ўринни эгаллаганликлари жамоанинг кайфиятини кўтариб юборган эди.

Самарқанддаги ўйин бошданоқ ҳужумкорлик руҳида ўтди. Олдинда ҳаракат қилаётган Жаъфар Ирисметов, Аваз Хошимов, Фарид Хабибуллин, Владимир Гальянов, қулай имкониятларга эга бўлдилар. Аммо ана шу дақиқаларда самарқандликларнинг ҳимоячилари ва тажрибали дарвозабони Олег Горбиц ишончли ўйин кўрсатишди. Меҳмонларнинг ҳужумкорлиги танаффусгача давом этди. Иккинчи бўлимда самарқандликлар бирмунча фаоллашдилар. Украинадан қайтиб келган янги бош тренер Сергей Доценко «Динамо» ўйинчиларида ўзига ишонч руҳини оширганлиги сезилиб турарди. Бухоронинг «Нурафшон» жамоасидан Дмитрий Романов, Олим Тиллаевлар ҳам қайтиб келишган эди. Шунингдек республикамиздан ташқарида ўйнаган яна бир ҳужумчи — Колядо ва ярим ҳимоячи Ефремов ҳам «Динамо»га қабул қилинганди. Уларнинг ҳаммаси ўзлари ўйнаган командаларда пешқадам ҳисобланишарди.

Иккинчи бўлимнинг бошлари ва ўртасида мезбонлар бир неча хавфли ҳужумлар уюштирдилар. Уларнинг иккитаси «Дўстлик» дарвозасини ишғол қилиш билан тугади. Бу тўпларни меҳмонларнинг хатоларидан фойдаланган динамочи Ҳамза Жабборов 55- ва 65-минутларда киритди. Ёш дарвозабон Евгений Сафонов кўпол хатоларга йўл қўйди (авалги «Трактор» билан бўлган ўйинда «Дўстлик» соқчиси Герман Безденежнихнинг қўл бармоғи синиб қолганди, у бир ойча сафдан чиқди). Тажрибали ҳимоячиларимиз ҳам довдираб қолишди. Натижада 0:2 ҳисобида ўйин бой берилди.

Бу мағлубиятга қарамай вилоятимиз вакиллари олтинчи ўринни сақлаб қола олдилар. Бироқ турнир жадвалида изма-из келаётган «Трактор» дўстликчиларга анча яқинлашди. Завод футболчилари иккинчи даврининг иккинчи ўйинида Урганч динамочиларини қабул қилиб, йирик ҳисобда ғалабага эришдилар — 6:1! Бу ўйинда Дилшод Ўрмонов бешта тўп киритишга муваффақ бўлди (ундан биттаси 11 метрлик белгидан). Бундай натижага мамлакат биринчилигида хеч ким эришган эмас.

Ўз майдонида ўйнаган МҲСК ҳам йирик ҳисобда ғалаба қозонди. У «Атласчи» дарвозасига тўртта жавобсиз тўп киритди. «Пахтакор»нинг омади келмади. У Жиззах шаҳрида «Сўғдиёна»дан 1:3 ҳисобида енгилди.

Қолган учрашув натижалари: «Янгиер» — «Нурафшон» — 2:3, АСК — «Косонсой» — 3:2, «Машъал» — «Нефтчи» — 1:3. «Наврўз» — «Навбаҳор» ўйини кейинга қолдирилди. Чунки наманганликлар ўз майдонида Ирок футболчилари билан Осиё мамлакатлари кубок эгалари кубоги учун жавоб ўйини ўтказади (биринчи ўйинни улар 2:5 ҳисобида бой бердилар). «Нефтчи» эса Осиё мамлакатлари чемпионлари кубоги учун курашнинг навбатдаги босқичига чиқди. У икки ўйин якунига кўра Душанбенинг «Ситора»си устидан ютуққа эришди.

«Дўстлик» навбатдаги учрашувни 24 август куни ўз майдонида «Наврўз» билан ўтказади.

Тошкент шаҳридаги «Оқшом эртаклари» хусусий корхонасининг муҳри йўқолганлиги туфайли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

МАЪЛУМКИ, ўтган йили Ўзбекистон ва Молдова ҳукуматлари раҳбарлари имзолаган келишувга биноан Ўзэкспомаркез «РСКМ» ва «Молдэкспо» кўргазма маркази билан ҳамкорликда ўтказилган «Молдова ҳамкорликка чорлайди» кўргазмаси муваффақиятли якунланган эди. Энди навбат Ўзбекистонга. 21-24 август кунлари Молдова пойтахти Кишинёв шаҳрида «Ўзбекистон ҳамкорликка чорлайди» кўргазмаси ташкил этилади. Кўргазма дастури бўйича 30 га яқин корхона ва ташкилотлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан иштирок этадилар.

Кўргазмага кираверишда мустақил диёримизнинг миллий байроғи ва туғроси жой олган бўлиб, бу бўлимда республикамиз ҳудуди, аҳолиси ва бугунги куни ҳақидаги маълумотлар зарҳал ҳарфлар билан битилган. Телеэкранда эса Ўзбекистон ҳақида фильмлар намойиш қилинади. Ўзбекистон ўзининг меҳнатсевар, ижодкор, қобилиятли, меҳмондўст халқи билан иқтисодий ислоҳотларни амалга ошира бориб, битмастуганмас ер ости бойликлари, шунингдек, мамлакатимиздаги барқарорлик чет эллик шериклариннг диққатини жалб қилаётганлиги мазкур бўлимдаги суратлар, матнларда яққол тасвирланган.

Республика иқтисодида асосий ўринни эгаллаган оғир саноатнинг ўрни бекиёсдир. «Ўзбекистон катта имкониятлар мамлакати» бўлимида ўзбек заминида ер ости бойликларининг кўплиги, 370 шахта ва конларда 200 млн. тонна хомашё қазиб чиқарилаётганлиги, Ўзбекистон газ экспорти бўйича жаҳонда биринчи ўнликка кириши ҳақида ҳикоя қилинади. Марказий Осиёда ишлаб чиқарилаётган машиналарнинг 60 фоизини етказиб берувчи «Ўзэлтехсаноат», «Ўзмашсаноат» фаолиятларида кейинги йилларда катта силжишлар содир бўлди. Ушбу ассоциация корхоналарига қарашли абразив асбоблар, музлатгич, совутгич, иссиқлик алмаштирувчи аппарат, электронасослар, гўшт майдалагичлар, «Ўзэлтехсаноат» ассоциацияси ишлаб чиқарган аккумлятор, турли фазали электродвигателлар, «Семурғ» радиоприёмники, кабелли трансформаторлар, «ЎзДЭУэлектроникс» маҳсулотлари, «Автосаноат» ассоциацияси корхоналарининг автомобиллари, Чкалов номидаги Давлат Авиация бирлашмасининг маҳсулотлари меҳмонлар ҳукмига ҳавола қилинади.

Республикамиз фан-техника тараққиёти халқ хўжалигининг ривожланиши билан узвий боғлиқ. Кўргазмада Ўзбекистон Фанлар Академиясининг бир қатор институтлари ўзларининг сўнгги тадқиқотлари билан иштирок этадилар. Масалан: «Физика-Қуёш» ИИЧБнинг фотоэлектрик батареялари, биорганик кимё, ўсимлик моддалари кимёси институтларининг доривор препаратлари, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган воситалар, ўғит институти, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш, Қоракўлчилик илмий текшириш институтлари, «Ўзмедприбор» илмий техника маркази ва хоказоларнинг фаолиятлари тўғрисидаги маълумотларни кўргазмадан жой олган экспонатлар орқали билиб олиш мумкин.

Республика сув хўжалиги вазирлигига қарашли корхоналар ўзлари ишлаб чиқараётган «Агро-Дрип» суғориш қувурлари, бир чўмичли экскаваторлар ва бошқалар республикамизнинг 5 млн. тоннага яқин пахта ва мевалар етиштиришида муҳим роль ўйнашини кўрсатади. Айниқса, Қишлоқ хўжалиги Фанлари Академияси, «Узмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси ва Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг мева ва сабзавотларидан тайёрланган консерва ва шарбатлар ўзбек ерининг саҳийлигини, ёз қуёшининг ҳароратини, ўзбек деҳқонларининг меҳнатсеварлигини намойиш қилади.

Айниқса, кўргазма экспонатлари қаторидан «Ўзенгилсаноат» ассоциацияси, «Маҳаллий саноат» Давлат корпорацияси, «Совпластитал», «Бурсель»? «Аснам текстиль», «Узсаламан» қўшма корхоналари «Миконд» заводининг кўзни қамаштирувчи чинни буюмлари, ял-ял ёнувчи хон атласлари, жилоланиб ёнувчи биллур маҳсулотлари меҳмонларда катта қизиқиш уйғотади.

Халқ амалий санъатинг жаҳонга тараташётган «Усто» бирлашмаси ва бадиий халқ ҳунармандчилиги концерни ишлаб чиқарган ранг-баранг сопол, заргарлик, кандакорлик, ўймакорлик маҳсулотлари, гилам ва бошқа буюмлари меҳмонларда ўзбек санъатига нисбатан меҳр уйғотади.

Мамлакатимиз раҳбарлари танлаган иқтисодий ривожланиш йўли, меҳнат ресурсларининг юқори савияда эканлиги чет эллик тадбиркорларни жалб этмоқда. Бунга ёрқин мисол бўлиб «ЎзДЭУавто», «Мерседес Бенц», «Зарафшон — Ньюмонт» қўшма корхоналари маҳсулотлари экспонатлар қаторидан жой олган. Булар «Узбекистон ўзаро фойдали ҳамкорлик йўлида» бўлимида намойиш этилади.

«Жюль Верн» дастурига биноан Ғарбий Европадан Туркия, Кавказ, Туркманистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон орқали Хитойга борадиган поезд туристларга «Буюк ипак йўли бўйлаб» саёҳат қилишларига шароит яратиб беради.

Маҳмуда ИСМОИЛОВА,
Миржалол МИРАЛИЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙДИ»

КИМ ОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

Тошкент вилояти ҳокимияти, Тошкент вилояти Давлат мулк қўмитаси, Қуйичирчиқ тумани ҳокимияти ва Тошкент вилояти кўчмас мулк биржаси Қуйичирчиқ туманида қуйидаги автотранспорт воситаларини ва ер майдонларини шу йил 4 сентябрь соат 10.00 да ким ошди савдосига қўяди.

Машина русуми	Машина номери	Чиққан йили	Бошланғич нархи (сўм)
ГАЗ — 53	35 — 84 ТШЛ	1982	45.000
ГАЗ — 53 — 12	67 — 21 ТШЛ	1984	45.000
ГАЗ — 53 — 1201	38 — 73 ТШИ	1986	45.000
ГАЗ — 53	39 — 35 ТШП	1983	35.000
ГАЗ — 53	39 — 72 ТШС	1981	40.000
ГАЗ — 53	33 — 97 ТШЛ	1982	41.000
ГАЗ — 53 — 12	81 — 49 ТШМ	1986	45.000
ГАЗ — 53 — 12	30 — 52 ТШМ	1985	36.000
ГАЗ — 53 А	39 — 51 ТШП	1982	42.000
ГАЗ — 53 — 12	81 — 47 ТШМ	1986	45.000

Бу автотранспорт воситалари Қўрғонча посёлкасидаги «Балиқчи» ОТҲЖга қарашлидир.

Ер майдонининг жойлашган жойи	Ер майдони сони	Ҳар бир ер майдонининг ҳажми (кв.м)	Ҳар бирининг бошланғич нархи.
1. «Мингчинор» посёлкасида	3	600	19.200
2. «Янгиҳаёт» жамоа хўжалигининг Охунбобоев участкасида	2	600	14.400
3. Қўрғонча посёлкасида	2	600	19.200
4. «Пахтачи» жамоа хўжалигининг АГПУ бўлимида	2	600	19.200
5. Солдатский шаҳри Водоканал мавзесида	5	600	23.040

Шунингдек, Бекобод шаҳар, Ленин кўчасида жойлашган дўкон биноси бошланғич нархи 68.000

Мурожаат учун телефонлар: 33-49-31, 33-28-52.
Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 51-уй.
Тошкент вилояти Кўчмас мулк биржаси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0430. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 8577 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.45. 1 2 3 4 5 6